



# MILLIY TIKLANISH

41 (310) ● 2014 йил 22 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Миллатимиз миллийлигини намоён қилиб турувчи она тилимиз софлигини сақлаш, уни бойитиш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишимиз даркор. Зеро, тил миллат тараққиётида муҳим ўрин тутаяди



ЎзМТДП фракцияси йиғилишида муҳокама этилган қонун лойиҳаларида назарда тутилган ўзгариш ва қўшимчалар юртимизда олиб борилаётган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратишга оид ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади



Парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловга қизғин ҳозирлик кўриш ва унинг юқори даражада ўтказилишини ташкил этиш мақсадида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитасида ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари ҳузурида сайлов штаблари тузилган



## 3 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

## 4 ЖАРАЁН

## 5 СИЁСАТ

**Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошқора амалга оширадилар.**  
 Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

**"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасидан**

### ЎзМТДП ҳаёти



## Партия конференциялари: Фаолиятимиз сарҳисоби

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар партия ташкилотлари конференцияларида танқидий таҳлил этилди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар партия ташкилотларининг конференциялари бўлиб ўтди. Конференциялар куни тартибидан партия ҳудудий ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг 2010-2014 йиллардаги фаолияти, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят ташкилотлари Назорат-тафтиш комиссиялари ҳисоботи ҳамда комиссия таркибига ўзгариш киритиш, ЎзМТДПнинг III съездида делегатлар сайлаш ва партия фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ўрин олд.

2-бет

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифи билан 2014 йил 23-24 октябрь кунлари расмий ташриф билан Туркманистонда бўлади.  
 Мунтазамлик касб этган олий даражадаги Ўзбекистон — Туркманистон мулоқоти доирасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалаларни, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммоларни муҳокама этиш режалаштирилган.  
 Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти ва турли соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид қатор ҳужжатлар имзоланади.

### Съезддан съездгача

## Демократик ислохотларнинг бугунги босқичи

юксак салоҳиятли кадрларни талаб қилмоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мустақилликнинг ilk йилларидан бошланган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафқурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида миллий урф-одат ва анъаналарни қарор топтириш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттиришни ўзининг муҳим вазифаси деб билади.

Ушбу ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, уларнинг самарадорлигини ошириш, илм-фан, иқтисод, сиёсат, маданият каби мамлакат тараққиётининг муҳим йўналишларида олиб борилаётган изчил ислохотларни қўллаб-қувватлаш, янги ғоя ва ташаббусларни илгари суриш, халқимизнинг бутун куч ва имкониятларини давлатимизнинг барқарор ривожланиши йўлида сафарбар этиш партиянинг асосий мақсади ҳисобланади.

2-бет

### Электорат минбари

## Оммавий ахборот воситалари

миллий қадрият ва анъаналар тарғиботидаги фаоллиги муҳим аҳамиятга эга

Айни пайтда сайлов қонунчилиги қоидалари ва унга киритилган ўзгаришларни фуқароларга кенг тушунтириш, уларнинг бўлажак сайловга — мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўрилаётганини тўғрисида хабардорлигини ошириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳозирда тахририятда ишлаш билан бирга, ЎзМТДП Шўрчи туман Кенгаши "Аёллар қаноти" ётақчиси сифатида ҳам фаолият олиб бораётган. Партия вакили бўлганим билан, унинг тадбирларини мунтазам ёритиб боришга ҳаракат қиламан.  
 Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув жараёни, интернет асри ҳар биримиздан юксак эътибор, ҳушёрлик ва огоҳликни, ёшлар маънавиятга қаратилган турли ёт ғояларга нисбатан мустаҳкам мафқуравий иммунитетни шакллантиришни тақозо қилмоқда. Мазкур жараёнда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти, инсон ва жамият ҳаётига таъсири му-

ҳим аҳамият касб этади.  
 Эътироф этиш лозимки, ЎзМТДП оммавий ахборот воситалари чинакам мустақиллиги ва фаолиятини бундан бундан ҳам таъминлаб бориш, уларнинг мамлакат миллий манфаатларини ҳар томонлама илгари суриш, Ўзбекистон халқининг ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб қилишдаги ролини, шунингдек, янгилиниш ва модернизация қилиш жараёнидаги таъсирчанлигини кучайтиришга кўмаклашишни ўзининг муҳим дастурий вазифаси деб билади. Шу мақсадда ЎзМТДП томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ўзбекистон Республикаси Конс-

титудияси — ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кафолатидир", "Мустаҳкам оила — ёруғ келажак гарови" ҳамда "Сиз Президент асарларини биласизми?" мавзусидаги мақола ва эсселар танловлари ёш истеъдодли қаламкашларни аниқлаш ҳамда рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, жорий йилда ўтказиладиган сайловда ёшларнинг тарихимиз ҳамда буюк аجدодларимизнинг илмий ва маънавий мероси ҳақидаги билим ва тасаввурларини янада бойитиш, эртагина эгаларини миллий истиқлол ғоясига сардоқат руҳида камол топтириш, халқимизга хос миллий қадрият ва анъаналарни кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Улар онгида демократик қадриятларни шакллантиришда ўзининг журналистик фаолияти орқали бевосита кўмаклашаётган оммавий ахборот воситалари вакиллари манфаатлари ЎзМТДПнинг янги сайловолди Платформасида янада кенгроқ акс этса, кўнглимиздаги иш бўларди.

Нигина ШОЕВА, журналист

Онлайн мулоқот

## Бизнинг ОВОЗИМИЗ

сайлов жараёнида алоҳида аҳамиятга эга

5-бет

«Milliy tiklanish» газетасини  
[www.milliytiklanish.uz](http://www.milliytiklanish.uz)  
 сайтида ҳам ўқинг!

### Фракция ҳаёти

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг келгусидаги истиқболлига хизмат қилувчи бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

## Ислохотлар ИЗЧИЛЛИГИ

ишлаб чиқиладиган қонунлар мукамаллигига ҳам боғлиқ

Фракция аъзолари дастлаб "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди. Ушбу қонун лойиҳаси республика фонд бозорининг замонавий ахборот технологияларига ўтишни таъминлаш ва янги молиявий механизмларни жорий қилиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича энг илғор халқаро амалиётни мамлакатимизда татбиқ этишни назарда тутаяди.

4-бет

Съезддан съездгача

Демократик ислохотларнинг бугунги босқичи

юксак салоҳиятли кадрларни талаб қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Бу каби дастурий мақсад-вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда партия тизимида фаолият юритувчи кадрлар салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий ва маънавий йўналишдаги фаолияти таҳлил этилганда, айтиш мумкин, мақсад асосий мезон сифатида намоён бўлади.

Бугун мамлакатимизда демократик ислохотлар чуқурлашиб, партияларро рақобат кучайиб бормоқда. Бу жараёнда ҳар бир партия ўз дастурий мақсад-вазифалари, мафқураси ва ғоясини янги ҳаёт шартлари билан бойитиш, уни кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш, тобора яқинлашганда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда сайловчилар ишончини қозонишга ҳаракат қилмоқда.

Бунда партия фаолиятини янада такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маърифий ҳамда иқтисодий билимларини юксалтириш, ЎзМТДП мафқураси ҳамда ғоясини тарғиб этишнинг янги усул ва ёндашуларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис партия тизимида фаолият юритувчи кадрлар масаласи ЎзМТДПнинг алоҳида эътиборида бўлиб келмоқда.

— Фаолиятимизда давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" дастуриламал бўлмоқда, дейди биз билан суҳбатда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўлими бошлиги Ҳусниддин Ражабов. — Кадрлар салоҳиятини оширишда йилдан йилга ҳам сон, ҳам сифат, ҳам маъзулар камрови жиҳатдан бугунги замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган ўқув-семинарларимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Дастлаб "Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ЎзМТДП худудий партия Кенгашларининг ўрни ва роли", "Партия ҳаётини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг самарали услублари", "ЎзМТДП маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаш-

тиришининг долзарб масалалари", "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар: ЎзМТДП тизимида кадрлар билан ишлаш" мавзуларидаги ўқув-семинарлар ташкил этилган эди. 2013-2014 йилларда "ЎзМТДП фракциясининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари партия гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий вазифалари", "Давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ЎзМТДПнинг устувор вазифалари", "Партия фаолиятини такомиллаштиришда илгор тажрибаларни ўзаро алмашиш ва оммалаштиришнинг аҳамияти", "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришда кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари" мавзуларида ўқулар ўтказилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини янада жонлантириш, жамиятда мустақам мавқега эга бўлишга интилоқда. Худудий партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, ходимлар фаоллиги, ташаббускорлиги ва ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар самарадорлигининг ошиши, худудий партия ташкилотлари ва кўйи бугунларда рақобат муҳитининг ортишида ҳар йили анъанавий тарзда ЎзМТДПнинг худудий ва маҳаллий партия ташкилотлари ўртасида ўтказиб келинаётган "Энг намунали вилоят Кенгаши", "Энг намунали туман (шаҳар) Кенгаши", "Энг намунали бошланғич партия ташкилоти" кўрик-танловлари муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Партия фаолияти самараси, кадрлар салоҳияти, ташкил этилаётган тadbирлар натижаси ЎзМТДП аъзолари ва хайрихоҳлар сафининг йилдан-йилга ошиб бораётганида намоён бўлаётди. Буни йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра, партия аъзолари сони 116 минг 930 нафарни, бошланғич партия ташкилотлари сони 3 минг 637

тани ташкил этган бўлса, айтиш пайтда партия аъзолари 182 минг нафардан ортик, бошланғич партия ташкилотлари сони эса 5 минг 286 тага етди.

— ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотларида фаолият юритаётган ходимлар салоҳиятини юксалтириш, етуқ, малакали, билимли ва ташаббускор кадрларни партия сафига жалб этиш саъй-ҳаракатларимиз ривожини кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади, - дейди Ҳ.Ражабов. — Шу боис ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳузурида ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш йўналишида экспертлар гуруҳи шакллантирилган бўлиб, улар томонидан қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Уларда партия фаолиятига доир қатор устувор вазифалар, ЎзМТДП кадрлари этика қоидалари билан бир қаторда кадрлар захирасини мустақамлаш масаласига алоҳида ургу берилган. Қисқача айтганда, ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш йўналишининг асосий вазифаси мамлакатимиз миллий манфаатларини, халқимизнинг маънавий қадриятлари, бой тарихий меросимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, бойитиш ва ёш авлодга ўз ҳолича етказиши, миллий тикланиш ғоясини аҳоли онгига синдиришнинг асосий вазифаси ватанпарвар ёшлар ҳисобига партия сафи ва кадрлари захирасини янада кенгайтиришдан иборат.

Партия кадрлари салоҳияти жорий йил 21 декабрда бўлиб ўтадиган сайловда унинг муносиб иштирокини таъминлайди. Вакиллик органларида кўпчилик ўринни эгаллаш, сайловчилар ишончини қозониш, сайлов кампанияси даврида тарғибот тadbирларини ўтказиш партия марказий ва худудий ташкилотларида фаолият олиб бораётган ходимлардан янада фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади. "Юксак маънавият — энгилмас куч" ғоясини амалга ошириш, миллий тикланиш мафқурасини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз миллий манфаатлари, бой тарихимиз, тенгсиз қадриятларимизни асраб-авайлашни қалбамизда деб билган маслақдошларимиз салоҳияти, дунёқароши, фаоллиги ва ташаббускорлиги сайлов натижаларида янада аққол намоён бўлади.

Шоҳида ДАМАНОВА, "Millyi tiklanish" мухбири

Партия конференциялари:

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун сиёсий партиялар фаолияти учун ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилаётди. Мазкур қонун асосида сиёсий партиялар ва уларнинг маҳаллий вакиллик органларидаги гуруҳлари учун берилган ваколат ва имкониятдан улар қай даражада фойдаланмоқда? Бугун партия ташкилотлари ва гуруҳлари ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, электротар мафқураларини ҳимоя қилиш, худудлар ривожига ҳисса қўшиш борасида қандай саъй-ҳаракат олиб бормоқда? Бу борадаги муаммо ва камчиликлар асосан нималарда намоён бўлаётди? ЎзМТДП Фарғона вилоят ташкилоти конференциясида мана шу саволларга жавоб изланди.

Конференцияда партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов иштирок этиб, сайлов жараёнида ЎзМТДП худудий ва бошланғич партия ташкилотлари ишини тубдан кучайтириш, ўтказилаётган тadbирлар ва тарғибот ишлари таъсирчанлигини ошириш, партия, электротар ва хайрихоҳлар ҳамкорлиги, депутатлар ва сайловчилар алоқаларини мустақамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини янги босқичга кўтариш лозимлигини таъкидлади. — Ҳар бир кун бизни

Фарғона: Ваколат ва имконият

фаолиятимизни янги босқичга кўтармоқда



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тобора яқинлаштирилмоқда, - деди партия раҳбари. — Сайлов натижалари сиёсий партияларнинг муҳим синовига пухта тайёргарлиги билан бир қаторда фуқароларнинг фаоллигига ҳам боғлиқ. Фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этиши, партияимиз номзодларига овоз бериши сайловдан сайловгача бўлган вақт оралиғида амалга оширилган амалий ишларимиз билан баҳоланади. Партия ташкилотлари бўлиб ўтаётган конференцияларда айтиш мумкин, сайлов фаолият сарҳисоб қилиниб, сай-

ловга тайёргарлик масаласи муҳим аҳамиятга эриштирилган ҳар биримизни бу жараёнда янада маъсулиятли, фаол ва ташаббускор бўлишга ундайди.

ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Абдусаттор Мирсаидов партия вилоят ташкилотининг ўтган беш йиллик фаолияти даврига тўхталиб, барча йўналишларда амалга оширилган ишларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги йилдан-йилга ўсиб борагани, фаолият давомида йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳуқуқидан фикр билдирди.

Таъкидландики, мамлакатимиз аҳолисининг турли қатлам-

лари орасида партияимиз нуфузини янада ошириш, халқ ичига кириб боришнинг турли усулларида самарали фойдаланиш, ўз мақсад-муддolari мизини кенг тарғиб этиш, электротаримиз ҳуқуқ ва манфаатларини фаол ҳимоя қилиш орқали ўз тарафдорларимиз сони кўпайтириш асосий дастурий вазифаларимиздандир. Хусусан, партиянинг вилоят ташкилоти сафида мавжуд аъзолар сони беш йил давомида 5 567 нафардан 11 130 нафарга ошди. Бошланғич партия ташкилотлари сони эса 149 тадан 287 тага кўпайди. Партиянинг вилоят ташкилоти томонидан ҳисобот даври мобайнида партия йўналишлари бўйича 3214 тадан зиёд илмий-амалий анжуманлар, кўрик-танловлар, ўқув-семинарлари, давра суҳбатлари ва бошқа турли тadbирлар ташкил этилди. Уларда жами 332 553 нафар партия фаоллари, электротар вакиллари ва фуқаролар иштирок этишди.

Шунингдек, жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик масаласи конференция кун тартибининг энг долзарб мавзусига айланди. Конференция давомида ўтган йиллар мобайнида йўл қўйилган айрим камчиликлар бўйича аниқ тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланиб, атрофчилик муҳомама этилди. Конференция якунида муҳомама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қорақалпоғистон:

Партия муҳим синов арафасида

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти конференциясида партиянинг ўтган беш йил мобайнидаги фаолиятига ҳолис баҳо берилиб, жорий йил 21 декабрда бўлиб ўтадиган парламент кўйи палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик масаласи муҳомама қилинди.

Конференцияни ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси раиси Ижроия Қўмитаси раиси Ботир Матмуратов бошқарди ва партия ташкилотининг ўтган беш йиллик фаолияти юзасидан ҳисобот берди.

Таъкидланганидек, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти томонидан партиянинг асосий сифат кўрсаткичлари бўлган аъзолар сони, бошланғич партия ташкилотлари, тadbирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, партия гуруҳлари ишларини жонлантириш бўйича муайян натижаларга эришилди. Жумладан, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, партия аъзолари сони 12 минг нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда улар сони 14 минг 535 нафарга етди.

Партиянинг таянч бўлини фаолиятини кучайтириш, электротар ва хайрихоҳлар билан ишлаш самарадорлиги бошланғич

партия ташкилотларининг 605 тага етганида намоён бўлди. ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган келинаётган "Энг намунали бошланғич партия ташкилоти" Республика кўрик-танловиде 2011 йили Нукус халқаро аэропорти қошидаги кўйи маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик масаласи муҳомама қилинди.

Конференцияни ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси раиси Ижроия Қўмитаси раиси Ботир Матмуратов бошқарди ва партия ташкилотининг ўтган беш йиллик фаолияти юзасидан ҳисобот берди. Таъкидланганидек, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ташкилоти томонидан партиянинг асосий сифат кўрсаткичлари бўлган аъзолар сони, бошланғич партия ташкилотлари, тadbирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, партия гуруҳлари ишларини жонлантириш бўйича муайян натижаларга эришилди. Жумладан, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, партия аъзолари сони 12 минг нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда улар сони 14 минг 535 нафарга етди.

50 мартаба депутатлик сўрови амалга оширилди, 20 нафар мансабдор шахсининг ҳисоботи тингланди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси сессиясида ҳам электротар маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик масаласи муҳомама қилинди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидаги партия фракцияси ва халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан маҳаллий кенгашлардаги доимий комиссия мажлисларида жами 8 та масала кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинди. Ҳисобот даврида халқ депутатлари Нукус шаҳар ва Амударё, Хўжайли туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан маҳаллий Кенгашлар сессияла-

ри кун тартибига 5 та ташаббус-масала киритилди. Шунингдек, конференцияда сўзга чиққанлар давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўладиган навбатдаги сайловда муносиб иштирок этиш барча сиёсий партиялар сингари ЎзМТДП учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини, шу боис, барча даражадаги партия ташкилотларининг асосий фаолияти сайловда энг олдинги қаторда бўлиш масаласига қаратилаётганини таъкидлашди. Сайловда ЎзМТДП дастурий мақсадларини ҳимоя қиладиган номзодлар, уларнинг ишончили, қузатувчи ва алоқалли вакиллари базасини шакллантириш, сайловда тайёргарлиги ва сиёсий билимларини кучайтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш борасида фикр-мулоҳазалар тингланди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси III съездига делегатлар сайланди. Муҳомама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Левитан АБДИМУРАТОВ, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари:

— Бугунги конференцияда партия ташкилотимизнинг ўтган беш йил мобайнидаги фаолиятига таҳлилий-танқидий назар ташланди. Шунингдек, партия олдида турган гоят муҳим синов - сайловга пухта ҳозирлик қўриш, муносиб номзодларни танлаш, сайловда тарғибот-ташвиқот ишларини самарали олиб бориш ва сайловда муваффақият қозониш каби масалалар ҳам конференция кун тартибидан ўрин олди. Ўтган сайловдан тўри ҳулоса чиқарган ҳолда жорий йилги сайловда муносиб иштирок этишда партия ташкилотимиз ва барча даражадаги депутатлар зиммасидаги маъсулиятли вазифаларга яна бир бор эътибор қаратилди.

Ҳуқуқ ва бурч

Сайлов жараёни ва уни амалга оширишнинг асосий босқичлари ҳақида маълумот берсангиз?

Абдулазиз Мирзажонов, Наманган вилояти Поп тумани

— Сайлов жараёни — сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан амалга оширилаётган тadbир ва чоралар йиғиндиси. Сайлов жараёни бири иккинчисини мантқий тўлдириб борувчи бир қатор асосий босқичлардан иборат. Шунинг учун мазкур босқичларнинг ҳар бирида қонун талабларига тўлиқ риоя қилиш ва белгиланган чора-тadbирларни ўз вақтида бажариб бориш бутун сайлов жараёнини муваффақиятли ўтказишни кафолатлайди.

Сайлов жараёни асосан беш босқичда амалга оширилади:

- 1) Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш, номзодлар кўрсатиш;
2) Сайлов округларини белгилаш ва уларда сайлов участкаларини ташкил этиш, сайлов комиссияларини ташкил этиш;
3) Сайловда ташвиқоти олиб бориш, сайловчилар рўйхатини тузиш;
4) Овоз беришни ташкил этиш ва овоз бериш натижаларини аниқлаш;
5) Депутатларни рўйхатга олиш ва сайлов якунларини эълон қилиш.

Сайлов комиссияларининг тизими, уларнинг ташкил этилиши ва аъзоларига қўйилган талаблар нималардан иборат?

Нигора Рўзиева, Навоий вилояти Навбахор тумани

— Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуни 9-моддасида Қонунчилик палатасига сайлов Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари, участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилиши ва ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида белгиланган талаблар асосида "Ўзбекистон Республикаси Марказий сай-

лов комиссияси тўғрисида"ги қонунга мувофиқ тузилади.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар аъзодан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиясининг шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси эса округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганда бештадан ўн тўққиз нафаргача (шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котиб) иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг сайлов комиссияларига аъзолик деб номланган 16-моддасига кўра, округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади.

Округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳомама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳомама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партия аъзоси бўлиши мумкин эмас. Депутатликка номзодлар ҳам сайлов комиссияларига аъзо бўлишлари мумкин эмас. Бундан ташқари, бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

Саволларга ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал РАҲМОНОВ жавоб берди.

Андижон:

Хайрихоҳлар сафи кенгаймоқда

Мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар маъсулиятли давр — сайлов жараёни олдидан турибди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилоят ташкилоти III конференциясида партия фаолияти сарҳисоби ва сайловга тайёргарлик масаласи муҳомама қилинди.

Конференцияда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раисининг ўринбосари Жалолиддин Сафоев делегатлар эътиборини қуйидагиларга қаратди:

— Сайлов жараёнида партиянинг ўз электротари олдидаги мавқеини кўтариш, энг аввало, янги сайловда Платформасининг халқчил ва ўзига хос тайёрланишига боғлиқ. Халқнинг хоҳиш-истаклари ва миллий қарашларига уйғун келадиган фаолиятини электротар диққат эътиборини жалб



эта олади. Бугунги партияларро рақобат кучайиб, фуқароларнинг онгу шуурида юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётган бир пайтда сайловдаги тарғибот ишларини янада жонлантириш, халқчил ғояларни илгари су-

риш орқали электротар ва сайловчилар ишончини қозониш олдимида турган долзарб вазифадир, - деди партия раиси ўринбосари.

ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Комилжон Отахоновнинг ҳисо-

бот маърузасида таъкидланганидек, ўтган ҳисобот даврида 16 та маҳаллий ташкилотларни ўз ичига олган ЎзМТДП Андижон вилоят ташкилоти томонидан аъзолар сони, бошланғич партия ташкилотлари, тadbирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, партия гуруҳлари ишларини янада жонлантириш бўйича ҳам муайян натижаларга эришилди. 2009 йилда партия аъзолари 5 минг 400 нафарни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда улар сони 11 минг 346 нафарга етди. Сайловдан сайловгача бўлган даврда ҳал қилувчи муҳим бўғин ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари сони эса 270 тадан 371 тага ўсди.

Партиянинг жойлардаги нуфузини белгилайдиган, электротар ва хайрихоҳларнинг қўллаб-қувватлашига олиб келадиган муҳим омиллардан бири бу — партиядан турли даражадаги вакиллик органларига сайланган депутатларнинг ташаббускорлиги, дастурий мақсадлар ижроси йўлидаги фаоллиги саналади.

(Давоми 3-бетда)

## Партия конференциялари:

**(Давоми. Бошланиши 1-2-бетларда)**

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 2 нафар, вилоят Кенгашида 12 нафар, маҳаллий Кенгашларда 89 нафар ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаолият юритмоқда. Утган давр мобайнида улар томонидан 20 га яқин масалалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияси кун тартибига киритилди. 43 марта депутатлик сўрови амалга оширилди. 36 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланиб, 170 га яқин депутатлик назорати ўтказилди. Депутатларга 400 га яқин фуқаролардан турли мурожаатлар тушган бўлиб, уларнинг 385 таси

ижобий ҳал қилинди. 15 нафар мурожаат қилган фуқароларга тегишли тавсия ва маълумотлар берилди.

Конференцияда таъкидланганидек, ЎзМТДП Андижон вилоят ташкилоти республика миқёсида ҳам қатор муваффақиятларга эришмоқда. Хусусан, "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони", "Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" кўрик-танловларининг республика босқичларида вилоят вакиллари фахрли ўринларга эга бўлишди. 2011 йилда "Озод юртинг обод гўшаси" ёшлар акциясида биринчи ўринни қўлга киритган андижонликлар 2014 йилда "Энг яхши ҳудудий партия

ташкilotлари" йўналиши бўйича фахрли иккинчи ўринга муносиб топилди.

Конференция якунида муҳомада этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, партия съездига делегатлар сайланди.

### **Баҳодиржон ИСРОИЛОВ, "Боғишамолтектил" кичик корхонаси раҳбари, партия фаоли:**

— Маълумки, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўз бизнесини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга кўмаклашиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода партия вилоят Кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган турли семинар ва тарғибот тадбирларида иштирок этиб келамиз. Мазкур тадбирларда депутатлар ҳамда мутахассислар хориждан инвестиция жалб қилишда давлат томонидан яратилган қўллаб-қувватлаш, солиқ ва боғишона тўловларидagi имтиёзлар, кредит бериш тартиблари ҳақида маълумотлар беришди. Бу келгусидаги фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бугунги конференцияда таҳлил этилган бу борадаги масалалар муштарак мақсадларимиз рўйида ҳам муҳим ўрин тутди.

## Самарқанд: Мақсад ва ғояларимиз

фаолиятимизда акс этсин



ЎзМТДП Самарқанд вилоят ташкилотининг навбатдаги конференциясида ҳам утган беш йиллик ҳисобот давридаги партия фаолияти сарҳисоб қилинди. Шунингдек, партия олдида турган муҳим синов — парламент ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга пухта ҳозирлик кўриш, депутатлик маносиб номзодлар кўрсатиш, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этиш масалалари муҳомада қилинди.

Конференцияда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев сўзга чиқиб, сайлов барча сиёсий партияларнинг ўтган беш йиллик фаолияти самарасини намоён этадиган муҳим синов даври экани, ўтган сайлов натижаларидан тегишли

хулосалар чиқариш лозимлиги, бугунги сайловчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги кечажасидан тубдан фарқ қилишини таъкидлади. Шу боис, жорий йилги сайлов янгича ижтимоий-сиёсий шароитларда ўтказилиши, партиямиз томонидан кўрсатиладиган ҳар бир номзод ана шу жиҳатни теран ҳис этган ҳолда муҳим синовда муваффақиятли иштирок этиш ва қўзланган натижаларга эришиш учун жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш лозимлигини қайд этди.

Конференцияда ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Анвар Мирзаев партия вилоят ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

Таъкидланганидек, ўтган беш йил давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига 25 та ташаббус-масала киритилди. Депутатлар томонидан

281 та депутатлик сўрови ва назорати амалга оширилди. Ҳисобот йилида депутатлар ташаббуси билан 85 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Доимий комиссиялар йиғилишларида ЎзМТДП депутатлари томонидан 32 та таклиф киритилди. Ушбу таклифлар қаторидан бугунги кунда долзарб ҳисобланган туманларда фаолияти айрим сабабларга қўра тўхтаб қолган сийҳатларни қайта ишга тушириш, жойларда китоб дўконлари, кутубхоналар ташкил этиш, туризмни ривожлантириш, тарихий обида ва қадимжоларни қайта таъмирлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратишга кўмаклашиш каби масалалар ўрин олди.

Агар партия вилоят ташкилоти аъзолари сони 2010 йилда 15

минг 707 нафарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 20 минг 668 нафарга етди. Ҳисобот даврида вилоят миқёсида 3 минг 637 та турли йўналишларда тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларда қарийб 383 мингдан зиёд юрдошларимиз иштирок этди. Сайловдан сайловгача бўлган даврда партия фаолиятида энг муҳим ва халқ қилувчи бугунги ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари сони ва сифатини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, вилоятда қуйи бўғинлар сони 248 тадан 376 тага ошди. Конференция давомида сайловга пухта ҳозирлик кўриш масаласи ҳам қизгин муҳомада қилинди. Сайловда ЎзМТДП дастурий мақсадларини ҳимоя қиладиган номзодлар, уларнинг ишончли, қузатувчи ва ваколатли вакиллари базасини шакллантириш, сайловолди тайёргарлик, сиёсий билимларини кучайтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. ЎзМТДПнинг навбатдаги съездига делегатлар сайланди.

### **Баҳодир НЕЪМАТОВ, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:**

— Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — сайловга тўбора яқинлашганимиз. Мазкур сиёсий жараёнда партиялар фаолиятига одилона ва оқилона баҳони сайловчи беради. Табиийки, ўтган сайловда берилган ваъдалар, партия дастурида белгиланган вазифаларни самаралироқ бажарган партия ва унинг ғояси сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланади. Конференцияда вилоят партия ташкилотининг ўтган беш йиллик фаолияти таҳлил этилар экан, ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам тилга олинди, уларни бартараф этиш йўллари белгилаб олинди. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада кучайтириш, демократик жараёнлар ва сайловдаги фаол иштирокини таъминлаш, энг муҳими, партия дастурий мақсад-вазифаларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ қилиш асосий вазифа эканлиги қайд этилди. Шунини таъкидлаш лозимки, сайловда муносиб иштирок этиш ЎзМТДПнинг бош мақсадидир. Мазкур конференция эса ана шу муштарак мақсадга эришиш учун қўйилган муҳим қадам ҳисобланади.

## Навоий: Партия ташкилоти ва гуруҳлари ҳамкорлиги

янги ташаббус ва амалий ишлар омили

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилоят ташкилотининг навбатдаги конференцияси ҳам партия фаолияти самарадорлиги муҳомадасига бағишланди. Конференция ишида партия вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг сайловдан-сайловгача бўлган беш йиллик фаолияти таҳлил этилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Конференцияда партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Арслон Эшмуродов сўзга чиқди.

— Биз ўта муҳим сиёсий жараён — парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайлов арасидаимиз. Шу нарсани ёддан чиқармаслигимиз лозимки, ҳар бир сиёсий партиянинг нуфузи ва жамиятдаги ўрни айнан ана шу жараёнда яққол кўзга ташланади. Шундай экан, бутун диққат-эътиборимизни сайловга тайёргарлик кўриш ва унда муносиб иштирок этишга қаратмоғимиз лозим. Вакилик органларида қўнчиллик ўрнини эгаллашимиз учун изчил, фаол ҳаракат қилишимиз, бугунги сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, билим ва тафаккури юксаклигини инobatга олиб, сайловолди тарғибот ишларини ҳам қўнчиллик тамойилига амал қилган ҳолда олиб беришимиз лозим, - деди партия раиси ўринбосари.

Шунингдек, маърузачи сайлов қўнчиллигига киритилган янгиликлар, жумладан, сайловолди таш-

виқотнинг шакл ва усулларининг аниқлиги, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида маълумот берди.

Йиғилишда ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Лочин Облоқовлов маъруза қилди ва кун тартибидagi асосий масала - партиянинг ўтган ҳисобот давридаги фаолиятига батафсил тўхтади.

— Маълумки, партиянинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, дастурий мақсад ва ғояларини ҳаётга кенг тарғиб этишининг самарали усулларидан бири турли мавзу ва йўналишларда тадбирлар ташкил этишдан иборат, - деди партия вилоят Кенгаши етакчиси. - Утган 2010-2014 йилларда партия вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан 3 минг 142 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди ва унда 200 мингдан ортиқ юрдошларимиз иштирок этди.

Таъкидланганидек, партиянинг нуфузи ва салохияти унинг аъзолари сонидан ҳам намоён бўлади. Партия Навоий вилоят ташкилотининг аъзолари сони 2010 йилда 4 минг 878 нафардан иборат бўлган бўлса, айни кунга келиб бу кўрсаткич 12 минг 356 нафарни ташкил қилмоқда. Мазкур таҳлилни бошланғич партия ташкилотлари миқолида давом эттириладиган бўлса, 2010 йилда жами 172 та қуйи бўғин партия мақсад ва ғоялари тарғиботи йўлида фаолият юритди. Жорий йилнинг шу даврига қадар

уларнинг сони 470 тадан ошган.

— Маълумки, партия дастурий ғоя ва мақсадларининг кенг жамоатчилик орасига кириб бориши ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишда партия гуруҳларининг ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эга, - деди конференцияда сўзга чиққан халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Бахтиёр Бозоров. — Утган давр мобайнида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессиялари кун тартибига 100 дан ортиқ масала олиб чиқилган. Жумладан, "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш. Миллий дастури"нинг ижросини ўрганиш, "Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳуқумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш" ҳамда "Худудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар" каби мавзулар депутатларнинг доимий диққат эътиборида бўлди ва маз-

кур масалалар сессия кун тартибига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Бундан ташқари, партия гуруҳлари томонидан 200 дан ортиқ масала жойларда ўрганилиб, 2 мингдан ортиқ депутатлик сўрови амалга оширилди. Утган ҳисобот даврида партия гуруҳлари томонидан 79 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилиб, маждун камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилди.

Йиғилишда ЎзМТДП Навоий вилоят ташкилоти Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисобот давридаги фаолияти ҳам таҳлил этилди.

Конференцияда ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши ҳамда Назорат тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайланди. Шунингдек, йиғилиш доирасида партия III съездига делегатлар таркиби ҳам тасдиқланди. Конференция кун тартибидagi барча масалалар атрофида муҳомада этилиб, улар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

### **Илҳом РАҲАБОВ, ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси:**

— Конференцияда муҳомада қилинган масалалар партия ташкилотлари ҳамда гуруҳларини янада фаол бўлишга даъват этди. Эътироф этилганидек, партия электорати манфаатларини ифода этишга қаратилган ЎзМТДП лойиҳаларини изчиллик билан ҳаётга таъбиқ этиш, жорий йилнинг 21 декабрь куни ўтказиладиган сайловга пухта тайёргарлик кўриш ва унда муносиб иштирок этиш, умуман олганда, партиявий ишларни сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқиш каби долзарб вазифаларга эътибор қаратилди. Беш йиллик фаолиятимиз сарҳисобига бағишланган йиғилиш якунида истиқболдаги вазифалар ҳам белгилаб олинди.

(Давоми 4-бетда)

© Сана

## “Давлат тили — миллат ғурури”

ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбати шундай номланди



**Она... У ҳаётимизда ҳеч бир нарса билан мензаб бўлмайдиган, дил ардоғидоғ зот. Инсон учун яна шундай қадрли икки неъмат борки, уларни ҳам бу сўздан айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Она Ватан ва Она тили деб айтганимизда бу тушунчаларнинг нақадар муқаддас эканини ҳар биримиз болалигимиздан оқ яхши англаймиз. Шу боис 25 йил аввал тарих зарвақларини беэзаган 21 октябрь санаси халқимиз тарихида унутилмас кун сифатида ҳаётимиздан мустаҳкам жой олди.**

— Дунёда ўз тили, бой тарихи, маънавий қадриятларига эга халқлар бармоқ билан санарли. Улар орасида ўзбек халқи ўзининг муносиб ўрнига эга. Шундай экан, миллатимиз миллийлигини намоён қилиб турувчи она тилимиз софлигини сақлаш, уни бойитиш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишимиз даркор. Зеро, тил миллат тараққиётида муҳим ўрин тутди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: "...ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамки эзгу вазифалар инсон қалбига, аввало, тил орқали, она аллоси, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир", - деди партия раиси ўринбосари.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсадларимизда ўзбек тили мақомини янада мустаҳкамлаш, давлат тилининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, ёшлар онгиди она тилимиз, миллий рамзаларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини янада ошириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга кўмаклашиш каби мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда қатор тадбирларни амалга оширмоқда. "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг жойлардаги ижросини таъминлашга партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ваколатлари доирасида кўмаклашиб келмоқда.

Дарҳақиқат, миллий қадриятларимизнинг асосий устунларидан бири бўлган она тилига юксак эътибор туфайли 1989 йилнинг 21 октябрь куни ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиб, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинди. Қонунда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва эллатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, кенгаши маълумот олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республи-

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент давлат юридик университетиди хамкорлигида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан "Давлат тили — миллат ғурури" мавзусидаги давра суҳбатида шу хусусида сўз борди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари аъзолари, партия "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, олим ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши тарихи, давлат тилининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, давлат тилининг ҳуқуқий асослари ва ижтимоий-сиёсий мавқени янада ошириш, уни асраш ва ривожлантиришда ЎзМТДПнинг ролини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилди.

Давра суҳбатини ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

© Сайлов — 2014

## Сайлов штаби фаолияти

ЎзМТДПнинг сайловдаги муносиб иштирокига қаратилган

**Бугунги кунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан вакилик органларида қўнчиллик ўрнини эгаллаш мақсадида сайлов жараёнига пухта тайёргарлик кўрилмақда. Сайловга қизгин ҳозирлик кўриш ва унинг юқори даражада ўтказилиши ташкил этиш мақсадида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасида ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари ҳузурида сайлов штаблари тузилган. Сайлов штаблари айни сайлов кампанияси даврида партиянинг сайлов билан боғлиқ бутун фаолиятини, номзодлар, ваколатли вакиллари, қузатувчи ва тарғибот гуруҳлари ишини мувофиқлаштириш бормоқда.**

ЎзМТДПнинг муносиб иштироки эҳтишам ҳамда самарали натижаларга эришишини таъминлашга, ўз зиммасига юклатилган масъулиятли вазифаларни фаоллик ва изчиллик билан амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда.

— Айни пайтда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳузуридаги сайлов штабида махсус иш режаси тузилган бўлиб, шу асосда фаолият олиб борилмақда. Партиянинг жорий йилги сайловга пухта тайёргарлик кўриши учун барча шарт-шароитлар яратилган, - деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиғи, сайлов штаби аъзоси Дилбар Рашидова. — Сайловга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, ҳуқуқий адабиётлар ҳамда зарур ахборот-коммуникация технологиялари шулар жумласидандир. Сайлов штабидagi ҳар бир гуруҳ ўз йўналишидаги вазифаларини вақтида амалга ошириш учун астойдил киришилган. Хусусан, айни пайтда партиянинг янги сайловолди Платформасини тайёрлаш ишлари охирига етказилган. 135 та сайлов округи бўйича партиядан депутатликка номзодлар рўйхатини партиянинг III съездида қадар тўлиқ шакллантириш бўйича қизгин иш олиб борилмақда.

(Давоми 5-бетда)

## Партия конференциялари: Жиззах: Энг муҳими — электорат ишончи

(Давоми. Бошланиши  
1-2-3-бетларда)

ЎзМТДП Жиззах вилоят ташкилотининг III конференциясида ЎзМТДП фракцияси аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Абдуғафур Маматов сўзга чиқиб, мамлакатимизда истиқлол йилларида сиёсий партияларнинг самарали фаолият юритиши учун мустақим ҳуқуқий база яратилиб, сиёсий партиялар учун тажриба орттириш, сиёсий етуқликка эришиш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топиш, энг асосийси, ўзининг барқарор электоратини шакллантириш борасида таърих шарт-шароитлар яратилганини таъкидлади. Бу жараёнда зиёлилар, фан, таълим, маданият ходимлари, ҳунарманду оилавий тадбиркорларни ўз атрофида бирлаштирган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам маълум бир йўлни босиб ўтди. Утган йиллар мобайнида амалга оширилган сайёҳ-ҳаракатларимиз натижаси жорий йилги сайловда ўз самарасини кўрсатиши шубҳасиз.

Конференцияда маъруза қилган ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Файрат Кодиров таъкидлаганидек, ўтган 2010-2014 йилларда 13 та ҳудудий партия ташкилотини ўз ичига олган ЎзМТДП Жиззах вилоят ташкилотини томонидан партия аъзолари сони, бошланғич партия ташкилотлари, тадбирлар таъсирчанлиги ва самардорлигини ошириш, партия гуруҳлари ишини жонлантириш бўйича ҳам муайян ютуқларга эришилди.

Сайловдан сайловгача бўлган даврда бошланғич партия ташкилотлари сони ва сифатини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Улар фаолиятини такомиллаштириш, электорат ва хайрихоҳлар билан самарали иш олиб бориш натижасида 2010

йилда вилоятда кўйи бўғинлар сони 168 та бўлган бўлса, бугунги кунда 252 тани ташкил этмоқда.

Хисобот даврида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида 60 дан зиёд депутатлар фаолият олиб борди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юксалтириш Миллий Дастури" ижроси ҳолатини ўрганиш, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги қонун талабларига мувофиқ шаҳар ва туманларда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш" ҳамда "Вилоятдаги маданий мерос объектларининг сақланиши ва муҳофаза этилиши", соғлом ва баркамол авлоднинг камол топириш, бу йўналишда вилоятда олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланган масалалар киритилди. Халқ депутатлари Жиззах шаҳри, Фаллаорол, Пахтакор, Янгиобод туман Кенгашлари сессияларида ҳам қатор масалалар киритилиб, қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Партия гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлардаги ташаббускорлигини кучайтиришга қаратилган ўқув-семинарларнинг мунтазам ташкил қилиниши боис, депутатлик сўровлари юбориш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, фуқаро-

лар муносабатлари билан ишлаш, доимий комиссияларда иш олиб боришдаги маъсулликни ошди. Жумладан, ҳисобот даврида 174 та, жорий йилнинг 9 ойи давомида эса 88 та депутатлик сўрови амалга оширилган. 2010-2013 йилларда фуқаролар муносабатлари асосида 135 та масала ҳал этилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 58 тани ташкил этди. 2011 йилдан буён қонун ва ҳуқуқ қарорларининг жойлардаги ижроси юзасидан 39 та, жорий йилда эса 30 та депутатлик назорати амалга оширилган. Партия гуруҳи аъзолари ташаббуси билан халқ депутатлари Кенгаши йўналишларида жами 69 марта мансабдор шахсларнинг ҳисоботи тингланган, халқ депутатлари доимий комиссиялари йўналишларида 68 та тақлиф олиб чиқилиб, 10 та қарор қабул қилинишига эришилган. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида жами 18 та масала олиб чиқилиб, шундан 10 тасида қарор қабул қилинишига эришилди.

Тадбирда жорий йил декабрда ойда бўлиб ўтадиган сайловга пухта ҳозирлик қилиш, аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш масаласи ҳам қизгин муҳокама қилинди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси III съездига делегатлар сайланди.

**Сарвар НАЗАРҚОСИМОВ,**  
**ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси**  
**девозни раҳбари:**

— Партияимиз мустақиллик йилларида бошланган миллий кадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафкурасини мустақамлаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттиришни кўзлаб, сайловдан сайловгача бўлган давр оралиғида муайян сайёҳ-ҳаракатларни амалга ошириш. Мазкур ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, янги ғоя ва ташаббусларни илгари суришда ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши ҳам фаоллик кўрсатишига интилоқда. Утган давр мобайнида вилоят бўйича 4 мингга яқин турли йўналишдаги тадбирлар ташкил этилиб, уларда қарийб 170 минг нафардан зиёд юрдошларимиз иштирок этгани ҳам фикримиз далили бўла олади.

## Тошкент вилояти: Синов палласи яқин



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" сиёсий партиялар фаолиятини янги босқичга олиб чиқди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий ҳаётда партияларнинг сиёсий куч сифатидаги ўрнини мустақамлаб, партияларро рақобатни кучайтирмоқда. Шунингдек, сайлов қонунчилигида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар орқали вакиллик органлари учун курашишда барча сиёсий партияларга тенг имконият яратиш берилгани юртимизда сиёсий жараёнларнинг демократик талаблар асосида ўтишини таъминламоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят ташкилотининг конференциясида ана шу масалалар ҳусусида атрафлича тўхталиб ўтилди.

Конференцияда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов иштирок этди. Партия раҳбари таъкидлаганидек, бугунги сайловчининг партияларга бўлган талаби қатъий. Эндиликда у ўзи овоз бераётган сиёсий кучни ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни бартараф эта олишига қараб танлайди. ЎзМТДП сайловга фуқароларимиз онгиде пайдо бўлган ана шу ижобий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда пухта тайёргарлик кўрди. Партия сайловдаги Платформаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва номоздорлар захирасини яратишда ўз электорати ва тарафдорлари манфаатларини инобатга олди. Энг муҳими, бу йилги сайловда ҳам сайловчиларнинг энг кўп овозларини тўплав ва вакиллик органларидан кўпроқ депутатлик ўринларини олиш ҳудудий партия ташкилотларимиз, жумладан, Тошкент вилоят Кенгашининг фаоллиги ҳам бевосита боғлиқ.

Конференцияда таъкидлангани-

дек, ЎзМТДП Тошкент вилоят ташкилотини ўтган 5 йил давомида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди. Хусусан, ҳунармандчилик субъектларини ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда кўмаклашиш борасида қатор тадбир, давра сўхбатлари ўтказилди. Хисобот даврида ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши томонидан қарийб 5000 га яқин тадбир ташкил қилинди. Бундай тадбирлар партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини кенг омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, аъзолари ва хайрихоҳлари сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Партия фаолиятини турли лойиҳалар орқали бошқариш замонавий усул бўлиб, бу янгилик амалиётда ўзини оқламоқда. Сайловдан сайловгача бўлган вақт оралиғида барча йўналиш ва соҳалар бўйича 40 дан ошди лойиҳа амалга оширилди. "Донлик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" Республика кўрик-танлови, "Озод юртинг обод гўшаси" ёшлар акцияси, "Миллий ҳунармандчиликимиз — миллий кадриятларимиз бардавомлиги кафолати" шиори остида оилавий тадбиркорлар кўргазмаси, "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" республика кўрик-танлови шулар жумласидандир.

— Сайловда муваффақиятли иштирокимизни таъминлайдиган яна

бир муҳим жиҳат бу сайловчиларнинг бизга бўлган ишончи, - деди конференцияда маъруза қилган ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девон раҳбари Бахтиёр Абдурахмонов. — Қувонарлиси, бу борада сайловчилар олдида юзими ёруғ. Чунки 2009 йилда партияимиздан вакиллик органларига сайланган барча депутатлар ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир кўплаб масалалар юзасидан депутатлик назоратини амалга оширишди. Сессияларга ташаббус-масала киритиш орқали электоратимиз ва хайрихоҳларимизни ўйлантираётган бир қатор масалалар ўз ечимини топди.

Тадбирда жорий йил 21 декабрда бўлиб ўтадиган сайловга пухта ҳозирлик қилиш, аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш масаласи ҳам қизгин муҳокама қилинди. Сайловда ЎзМТДП дастурий мақсадларини ҳимоя қилдиган номзодлар, ишончли, кузатуви ва ваколатли вакиллар базасини шакллантириш, уларнинг сийловдаги тайёргарлиги, сиёсий биллиминини кучайтириш, тарғиб-ташвиқ ишлари самарадорлигини ошириш борасида фикр-мулоҳазалар тингланди.

Конференция якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг навбатдаги съездига делегатлар сайланди.

**Ўткир РАШИДОВ,**  
**ЎзМТДП Тошкент вилоят**  
**Кенгаши Ижроия Қўмитаси**  
**раиси ўринбосари:**

— Беш йил давомида халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган 66 нафар депутат томонидан 62 та масала ўрганилди ҳамда давлат ва мутаассад ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди. Электоратимизнинг партияга бўлган ишончи самараси ўлароқ, йилдан-йилга бошланғич партия ташкилотлари ва партия аъзолари сони ҳам ошиб бораётди. Масалан, 2009 йилда ЎзМТДП Тошкент вилоят ташкилотини аъзолари сони салкам 3500 нафарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб улар 13 минг нафардан ошиб кетди. Партияимиз аъзолари ва тарафдорларимиз сонининг кўпайиши ЎзМТДПнинг вакиллик органларидан кўпроқ ўрин эгаллашига замин ҳозирлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Хоразм, Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё ва Наманган вилоят ташкилотларининг ҳам навбатдаги ҳисобот конференциялари бўлиб ўтди. Конференцияларда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Milliy tiklanish» мухбирлари Шохида ДАМАНОВА,  
Замира РЎЗИЕВА, Шаҳзод ҒАФҚОРОВ, Уралой ТУРДИЕВА,  
Ҳасан САЛОМОВ тайёрлади

# Жараён

Фракция ҳаёти



## Ислохотлар изчиллиги

ишлаб чиқилаётган қонунлар мукамаллигига ҳам боғлиқ

(Давоми.  
Бошланиши 1-бетда)

Унда "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қатор нормалар ўз аксини топмоқда. Жумладан, қимматли қоғозлар чиқариш, уни давлат рўйхатидан ўтказишни тартибга солиш, қимматли қоғозларга оид битимлар тузиш ва рўйхатга олишни белгилаш, қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш, шунингдек, ахборотларни ошқор қилишни тартибга солиш ва қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг жавобгарлиги юзасидан ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида савдо ташкилотчилари савдо майдончаларида қимматли қоғозларга оид битимлар тузиш ва рўйхатга олишни электрон кўринишда амалга оширишни белгиламоқда. Муҳокамалар чоғида сўз олган депутатлар замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш фонд бозори иштирокчиларига қўлай имконият яратишини эътироф этишди.

Фракция аъзолари қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва унинг ривожланишида мазкур қонун лойиҳаси муҳим ўрин тутганини таъкидлаган ҳолда уни иккинчи ўқишда маъқуллашди. Илгилликда шунингдек "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган ушбу қонун лойиҳаси республикада жамоавий инвестициялаш тизими яратилиши, аҳолининг вақтинча бўш турган пул маблағларини мобилизация қилиш ва уларни миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилишини рағбатлантиришга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат, шу жумладан, унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган инвестиция сиёсати мамлакатимиз ривожига муҳим ўрин тутди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, дунё ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатимизда янада қўлай инвестиция муҳитини яратишни тақозо этмоқда.

Инвестиция ва пай фондларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонун ҳисобланиб, уларда "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун зарурий таянч қоидалар белгиланган. Аммо амалдаги қонун ҳужжатларида пай фонди тушунчасига таъриф ва уни ташкил этиш тартиби белгиланмаган.

— Инвестиция ва пай фондлари де-гадда аҳоли пул маблағлари ва бошқа активларини профессионал менежерларга бошқариш учун топшириш механизми тушунилади, - дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Олимжон Оқиллов. — Минглаб инвесторларнинг маблағларидан ҳар бир инвесторнинг инвестициясига мутаносиб равишда улуши бўлган, профессионал бошқарув, диверсификация, харажатлар ва риск даражаси камайtirилган ягона портфель шакллантирилади. Ана шу сабабларга кўра бундай фондлар дунёда кенг тарқалган. Пай фонди Ўзбекистонда мавжуд бўлган оддий инвестиция фонди-дан фарқи равишда, юридик шахс ҳисобланмайди, инвесторларнинг маблағларини фондларга турлари бўйича гуруҳлаштирилган инвестиция активларига киритадиган ишончли бошқарувчига берилади. Мисол учун, ишончли бошқарувчи алоҳида фондга (инвестиция активларига) гуруҳланган акциялар, улушлар, облигациялар ва бошқа активлардан иборат бўлган бир неча пай фонди ташкил этиши мумкин (акциялар фонди, облигациялар, энергетика фонди, кимё саноати, нефть-



газ тармоғи ва бошқалар), инвесторга эса инвестиция йўналишини танлаш имконияти яратилади. Инвестор томонидан киритилган маблағлар тасдиғи сифатида, лицензияга эга бўлган ишончли бошқарувчи инвесторга махсус депозитарийда ҳисоби юритилдиган пайни беради.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фонд бозори томонидан капиталнинг иқтисодиёт тармоқларига эркин ўтишини таъминлаш, инвесторлар ва аҳолининг кенг қатламга капитал бозорига киришига имконият яратиш, жамғармаларни шакллантириш ва уларни кўпайтиришга муқобил имкониятлар яратиш каби функцияларнинг янада самарали баҳарлишига хизмат қилади, - дейди депутат.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда инвестиция ва пай фондларининг фаолиятини тартибга солиш бўйича махсус қонуннинг қабул қилиниши зарурати ушбу институтлар ёрдамида аҳолининг кенг қатлами ва тадбиркорларга профессионал бошқарув, рискларни диверсификация қилиш, харажатларни камайтириш ва бозор конъюктурасининг ўзгаришларига оператив иш тутиш механизмидан фойдаланиш имконияти берилиши билан изоҳланади. Инвестиция ва пай фондлари мамлакат иқтисодиётига билвосита инвестиция қилиш институти ҳисобланиб, у қатор афзалликларни беради. Масалан, харажатларни камайтириш — кўп миқдордаги майда инвестицияларни битта йирик портфель сифатида бошқаришда операциялар масштаби эвазига харажатлар тежаллишига эришиш мумкин. Бундан инвестор бошқарув учун паст бўлган тўлов эвазига фойда олади.

Муҳокамаларда сўз олган фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг концепцияси партиянинг сайловининг Платформасида белгиланган мамлакатимизда яратилган мақбул инвестиция муҳитининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш ва мамлакат инвесторларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилишни таъкидлашди. Шу нукта назардан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдириб, мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллашди.

Фракция аъзолари навбатдаги масала — "Мамлакатда инвестиция иклими ва ишбилармонлик муҳитининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иклими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллашди.

**Шавкат БОЛТАЕВ,**  
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Бугунги фракция йўналишида муҳокама этилган барча қонун лойиҳалари мамлакатимиз равнақи, иқтисодиётимизнинг янада ривожланишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Эътироф этиш кераки, бугун муҳокама қилинган қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши келгусида ЎзМТДП сайловининг Платформасида белгиланган Ўзбекистоннинг изчил ва барқарор иқтисодий тараққиётига эришиш, миллий тикланиш ва ривожланишнинг иқтисодий чуқурлаштириш, мамлакат салохиятини ошириш, иқтисодиётни эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш, ушбу жараён йўлидаги тўсиқларга барҳам бериш, жаҳон иқтисодий ҳамжамияти билан интеграциялашувни чуқурлаштириш, пировардида, истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзига келиши, халқаро майдонга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини олиб киришга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифалар ижросида муҳим аҳамият касб этади.

сида"ги Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиби-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасида назарда тутилган ўзгариш ва қўшимчалар республикада олиб борилаётган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўлай шароитлар яратишга оид ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Маълумки, тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш жараёнида қонунчиликнинг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳар қандай тадбиркор ўз фаолиятини режалаштириш ва бизнес-стратегиясини ишлаб чиқишда амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларига асосланади ва кўп ҳолларда уларнинг ўзгариши мумкинлигини инобатга олмайдди. Тадбиркорлар билан ўтказилаётган учрашувлар, шунингдек, улардан келиб тушаётган муносабатлар шунини кўрсатадики, кўп ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, тадбиркорларнинг бу ҳақда беҳабар қолиши уларга нисбатан турли хил жавобгарлик чораларини қўллашга сабаб бўлмоқда.

Шу маънода тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг барқарорлигини таъминлаш ва шу орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига муайян нормаларни киритиш тақлиф этилмоқда. Шунингдек, қонун лойиҳаси билан "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиби-таомиллари тўғрисида"ги қонунга тадбиркорлик субъектларига янада қўлай шарт-шароитларни яратишга қаратилган ўзгаришлар киритилмоқда. Тадбиркорлик субъектларини уларга тегишли руҳсат бериш ҳужжатларининг амал қилиши ваколатли давлат органлари томонидан тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида ваколатли органнинг шундай қарорларини тадбиркорлик субъектларига етказиш мuddатини бир иш кунига қисқартириш тақлиф этилапти.

Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатда инвестициявий иклими ва ишбилармонлик муҳити ҳолатининг янада яхшиланишига ёрдам беришини таъкидлашди. Шунингдек, унинг муҳокама-сида ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиб, ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирилди.

Ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллаш ҳамда йўналишда муҳокама қилинган қонун лойиҳалари юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Муҳтарома КОМИЛОВА,  
«Milliy tiklanish» мухбири



Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги олдида

Театр дарғаларидан эди

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг "Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори соҳа вақиллари, театр ижодкорлари, халқимиз ва барча зиёлилар томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрининг ёнидан ўтиб қолдим. Театр янада ёшарибди, янада гўзаллашибди — янги қиёфага кирибди. У менга бир театр муҳлиси сифатида ниҳоятда яқин бўлганлиги боис ёнидан бефарқ ўтиб кетолмадим. Рухсат сўраб, театрга кирдим. Чинкам муъжиза. Театр жамоаси янги бир спектаклни сахналаштираётган экан.

сабатигача ибрат олса арзигуликдир. Ана шундай бетакрор санъаткорлардан бири Ўзбекистон халқ артисти Қудрат Хўжаев эди. Журналистик фаолиятим давомида Қудрат Хўжаевни кўп кузатганман. У сўхбатдошига гўзаллик, орасталик, мағрурлик ҳиссини юқтирарди. Шу ўринда Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимовнинг Қудрат ака ҳақида хотираларини эслашни жоиз топдик.

Ўзбек миллий академик драма театрида яхши бир аънона бор: театрга ишга келган кенжа авлод устозлардан рол олганда улар кийган либосларни сўраб олишар экан: ҳам руҳи қўласин, ҳам табарруқ, дейишаркан. Ўзбекистон халқ артисти Замира Ҳидоятова ёшларга рўмолни қандай ўраш кераклигини ўргатган. У: "Чўримсан, чўри бўлиб ўра, Хонзода бўлсанг, хоннинг қизи бўлиб ўра, мана мен бойнинг онасиман, қандай қилиб рўмол ўрашимга қараб тур..." деркан.

Давра суҳбати

Тошкент вилояти Ички ишлар Бош бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими Урта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, вилоят Фуқаролик жамиятини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейи ўқувчилари иштирокида "Маънавий баркамоллик — ёшларни турли вазифалардан сақлайди" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Маънавий баркамол ёшлар келажагимиз таянчи



ликиси Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам ёш авлодни улуг аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш борасида муайян ишлар амалга ошириляётир, - дейди Тошкент вилояти Ички ишлар Бош бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиги, капитан Шавкат Файзиев. — Шу жумладан, вилоятимизда ҳам мазкур вазифалар изчил амалга ошириб келинмоқда. Бош бошқарма томонидан вояга етмаган ёшларни билиб-билмай турли жиноий гуруҳларга қўшилиб қолиш ва жиноят содир этишларига йўл қўймаслик борасида мунтазам профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Реклама ўрнида

Qishloq Qurilish Bank

Имтиёзли кредит

эвазига ишлаб чиқариш қуввати 30 фоизга ошди

Мамлакатимизда амалга ошириляётган изчил ва кенг қамровли иқтисодий ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, молия муассасалари томонидан тадбиркорларга кўрсатилляётган хизмат турларини алоҳида таъкидлаш жоиз. "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, фермерликни ривожлантириш, яқса тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланувчи шахслар, оилавий бизнес ва касаначиликни фаолаштириш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини банк хизматларидан баҳраманд этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Айни кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сабаби, мазкур соҳа оилаларимизнинг даромад манбаини ошириш, турмушимиз фаровонлигини яхшилашга хизмат қилмоқда. Юртимизда тадбиркорларга яратилган қулай шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, "Мубин Равнақ" хусусий корхонасини очдик. Бу борада

анча йиллардан бери орзу қилиб юрган мақсадим амалга ошди. "Қишлоқ қурилиш банк" АТБнинг Қумқўргон филиали билан 2012 йилдан ҳамкорлик қилиб келимиз. Корхонамизда аҳоли кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, турли ўлчамдаги қувур ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз. Ички бозорда маҳсулотимизга бўлган

олган. Сахнадаги қиличдай кескир қарашлари, найзадай ботадиган сўзлари, амиронга буйруқларини эшитиб, унинг ноёб истеъдодига тан бермай илож йўқ эди. Қудрат Хўжаевнинг Мустай Карим қаламига мансуб "Ой тутилган тунда" спектаклида Дарвеш роли ёки Иосиф Радун томонидан сахналаштирилган "Шоҳ Эдип" спектаклидаги ижросини олайлик. Актёр спектаклда Креонт образини маҳорат билан гадалантирди. Дастлаб, Креонт калтагина чолвор ва оқ трикода чиққан бўлса, кейинчалик кўз ўнгимизда ридога ўралган холда намоен бўлади. Энг муҳими, либос ўзгариши қаҳрамон характериға ҳам таъсир кўрсатади. Ўзбек миллий академик драма театрида яхши бир аънона бор: театрга ишга келган кенжа авлод устозлардан рол олганда улар кийган либосларни сўраб олишар экан: ҳам руҳи қўласин, ҳам табарруқ, дейишаркан. Ўзбекистон халқ артисти Замира Ҳидоятова ёшларга рўмолни қандай ўраш кераклигини ўргатган. У: "Чўримсан, чўри бўлиб ўра, Хонзода бўлсанг, хоннинг қизи бўлиб ўра, мана мен бойнинг онасиман, қандай қилиб рўмол ўрашимга қараб тур..." деркан. Ўзбекистон халқ артисти Турғун Хонтуруев салла ўрашда беназир бўлган. Шоҳникими, камбағалникими, қосибникими, мунажжимникими бирпасда ўраб берган. Бу гапларни менга Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова айтиб берганди. Меҳмонни кийган кийимига қараб кутиб оладилар, дейишарди. Қудрат Хўжаевнинг ичиди билан яқиндан танишган киши беихтиёр Чеховнинг одамнинг ҳамма нарсаси: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам гўзал бўлиши керак, деган сўзларини эслаши шубҳасиз. Бу гап менга ҳар гал гўё Қудрат Хўжаевга нисбатан айтилгандай туюлверди. Пардабой ТОЖИБОВ, журналист

Халқимизда "Яхши гап билан илон унidan чиқади", деган нақл бор. Маъноси шунки, инсон ҳар қандай мураккаб вазиятдан ёқимли сўз, мулоҳаза, вазмин босиқлик, ақл-заковат, мушоҳада билан чиқиб кетиши, энг оғир муаммони ҳам осон ҳал қилиши мумкин. Нақлда шунга ишора бор. Чунки, сўздан кўра таъсирчан, қудратли восита йўқ бу дунёда. Zero, халқ эртакларида ҳам ҳатто ёвуз девларнинг тавозе ва одоб билан салом берган кишига раҳм қилиши, жонига қасд қилмаслиги бежиз айтилмаган.

Муомала маданияти ҳар бир кишида ёшидан, аниқроғи болаликдан шаклланади. Оиладаги муҳит, ота-она ҳамда бошқа катта ёшдагиларнинг ўзаро муомаласи, сўзлашув одоби, бир-бирига нисбатан ҳурмат-эҳтиромни бола қалбига муҳрлини боради. Бу маданиятда босиқлик, қузатувчанлик, аввал ўйлаб, кейин сўзлаш, сўхбатдоши, у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, диққат билан тинглаш, сўзини бўлмаслик, бирор муаммо юзасидан фикр билдираётганида, унга белпосанд нигоҳ билан қарамаслик фоят муҳим фазилат ҳисобланади. Шарқ дошиандлари: "Агар сен қомилликда жуда баланд даражага етган бўлсанг-да, ҳузуринга келган кишига, унинг мартабаси, кўриниши, кийим-боши қандай бўлишидан қатъи назар, аввало ҳурмат-эҳтиром кўрсат, фикрини бил, нима дедимокчилигини, олдинга не мудоаада келганини англа ва шунга яраша муомала қил, токи ҳузурингдан хотиржам бўлмай чиқиб кетмасин", деб ўқидирадилар. Бу — жуда улуг насиҳат. Афсуски, ҳаммамиз учун эртаю кеч зарур бўлган бу одоёб ҳамиша ҳам рию қилавермайми. Ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, бир қарашда хатто ноҳақлиги шундоқ кўриниб турган кишида ҳам маълум бир ҳақиқат бўлади. Ҳамиша бир томон ҳақ бўлавермайди, адолатли ҳулоса чиқариш учун иккинчи, учинчи томонларни эшитиш зарур.

кўраётгандай, ажабланиб қарайди. Озимни энди жуфтлаганимда телефон кўргур яна жиринглаб қолади. Бу ҳам майли, тугмачани босиб, ходимларни чақиради, улардан бир нималарни сўрайди, дағаллик, кўрслик қилади. Кўнглини хира қиладиган бошқа бир воқеа шаҳар марказидан Қибрай туманига қатнайдиган автобуслардан бирида юз берди. Кекса отахон Қибрай санаторияси бекатида тушиши керак экан, бу жойга аввал келмагани учун, автобус ҳайдовчисига борадиган жойини йўл бошидаёқ айтиб, илтимос қилибди. Ҳайдовчи бўлса бепарво экан, автобус отахон тўшадиган бекатдан ўтиб кетди. Туман марказига етганимизда, сихат-гоҳга даволангани келаятган киши: "Ўғлим, сиздан илтимос қилувдим, айтиб қўймабсиз-ку?" дейиши билан, ҳайдовчи бобиллаб: "Мен йўлга қарайми ё сизларга қарайми, битта ўзим бўлсам?" дея отахонга кўпол муомала қилди. Бир-икки киши ҳайдовчига танбех беришмоқчи бўлганди, уларни ҳам аяб ўтирмади, "чол киши уйда ўтирса-да", дея тўнгилади. Афсуски, бундай ҳолатларга жамоат транспортида, айниқса, бозорларимизда тез-тез дуч келамиз. Олдиладиган кўшиқларни қуйлади, овози ёмон эмас, аммо у фазал сўзларини шу қадар бузиб, чалқаштириб айтдики, даврада ўтирган кўпчиликнинг асаби бузилди. Зиёли бир киши тадбир сўнгига қўшиқчи йигитни бир четга имлаб, камчиликларини ётиги билан тушунтирмоқчи бўлганда, ҳофиз: "Менга ўргатишимни хоҳати йўқ, қандоқ айтишни яхши биламан, сиз ўзи кимсиз, ёқмаётган бўлса эшитман", дея кўрс жавоб берди. Шу йигит устоз кўрган, маданиятчи инсон бўлганда, отаси тенги кишининг сўзларига қулоқ тутиб, хатоларини тузатиб олган бўларди. Афсуски, у бундай қилмади. Тўйларимизда, концертларда қуйлаб, тингловчиларнинг асабига тегаётган, улуг аждодларимиз меросига ҳурматсизлик қилаётган ижрокчилар, афсуски, оз эмас.

Улуг аждодларимиз ўз ўғитларига "Илмли, фаҳм-фаросатли кишилар, айниқса, ёшлар билимдонликларини худабехудага пеш қилавермайдилар, катталар олдида сўзамоллик қилишдан тийилладилар, бошқаларни кўпроқ эшитадилар, зарурат бўлмаса, одоб билан сукут сақлайдилар", деб таълим беришган. Устозларнинг яна бир таълими — бирор бир йиғин ёки машваратда кимдир у қадар тўғри бўлмаган ёқуд баҳсли фикрларни айтаётган бўлса, уни кескин тўхтатиш, хатоларини юзига солиш муомала маданиятига кирмайди. Бундай пайтда нотикни тинглаб бўлиб, унга камчиликларни нимада эканини ётиги билан, иззат-нафисга теғмайидиган қилиб тушунтириш яхши самара беради. Панд-насихат китобларида акани уқалди, отаси бола олдида изза қилмаслик тўғрисида кўп айтилган. Муомала маданияти шундайки, хатто, тўғри, зарур сўзни айтишини ҳам ўрни ва вақти бўлади. Рухшунслар, бирор кишини кўпчилик олдида уялтириш тарбия воситаси эмаслигини, бундай қилинса, натижа аксинча бўлишини таъкидлайдилар. Ўрни, ҳар қандай гапни ҳам мавриди билан, қаловини толиб айтиш керак. Бунга қуйидаги "тажриба" мисол бўла олади.

Бир киши ўғлини таниқил мусаавирнинг олдига олиб келиб, уни рассомликка ўргатишни илтимос қилибди. Мусаавир бола билан сўхбатлашибди, топшириқ бериб, лаёқатини синаб кўрибди ва ишонч ҳосил қилибдики, болада рассомликка майл йўқ. Боланинг отаси хурматли киши экан, уни хижолатга қўймаслик учун чора излай бошлабди. Болага тайёр расмлар жойлаштирилган ёғоч рамкалар тайёрлашни буюрибди. Бола ишга шу қадар берилиб кетибдики, у ясаган рамкалар ўзининг нозик ва мустаҳкамлиги билан устозини ҳайратга солибди. Бола дурадгор бўлишни орзулаб юрган экан, имконият туғилганидан хурсанд бўлиб, илҳом билан ишлай бошлабди. Орадан бир мундат ўтиб, ота ўғлидан хабар олгани келибди. Мусаавир рамкаларга жойлаштирилган бир неча расмларни кўрсатиб, унга шундай дебди: — Бу ишларимиз жуда катта меҳнат, изланиш эвазига юзага келган. Аммо сизнинг лаёқатли, меҳнатсевар ўғлингиз сурат маъносини тушуниб, мана бундай гўзал рамкаларни тайёрлаб бермаганида, улар шунчаки сурат бўлиб қолаверар, муҳлислар қалбига этиб бормаган бўлар эди. Шундай қобилиятли ўғлини тарбия қилганингиз ва шогирдликка олиб келганингиз учун сиздан миннатдорман. Бу гапдан ота кўп хурсанд бўлибди. Мусаавир борди-ю: "Ўғлингизда рассомлик лаёқати йўқ, яхшиси дурадгорликка беринг" деганида, отанинг унутиб, кўнгирак қилаётган киши билан бемалол гаплашадиган, ҳиринглаб қулади, сўхбатдошига: "Э, болабсиз, қотирибсиз, вот именно, яшанг, шундай қилиш керак бунақаларни" дейди. Токат билан кутиб турдим. Мириқиб сўхбатлашган, гўшақни жойига илиб, авзойи бузилганча: "Биродар, ҳали ҳам шу ердამисиз" дегандай менга, худди биринчи марта

талаб катта. Ишлаб чиқариляётган товарларимиз сифати юқори, таннархи анча арзон бўлгани боис харидорларга манзур бўлмоқда. Қолаверса, маҳсулотларимиз хориждан келтирилган замонавий технология асосида тайёрланаётир. Бунинг бариға "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ Қўмқўргон филиалининг молиявий кўмаги туфайли эришдик. Жорий йилда янги лойиҳа бўйича бизнес-режа тайёрланди. Ташаббусимиз банк томонидан ҳам рағбатлантирилди. Хом-ашё, ускуна ва қурилиш материаллари харид қилиш учун 75 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Олинган кредит эвазига корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириб, ишлаб чиқариш қувватини 30 фоиз оширишга эришдик. Самарали фаолиятимиз натижасида 40 миллион сўм миқдорда соф фойда олдик. Муҳими туманимиз ёшларининг 6 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди. Ҳозирги кунда корхонанинг молиявий ҳолати жуда яхши. Олинган кредитни вақтида қайтариш ҳаракатидаммиз. Шу кунларда эса яна янги лойиҳалар устида иш олиб бораёямиз. Бунда, албатта, "Қишлоқ қурилиш банк" АТБнинг амалий ёрдамиға таянамиз. Қаҳрамон БОЙСАРИЕВ, Сурхондарё вилояти Қумқўргон туманидаги "Мубин Равнақ" хусусий корхонаси раҳбари

Яқинда бўлажақ журналист талабанинг бахт ҳақида ёзган иншосини ўқидим. Шу иншодаги баъзи фикрлар хотирамга муҳрлини қолди: "Бахтни ҳамма ўзича тушунади. Ким учундир бахт тимсоли бўлган нарсаси ёки бирор ҳаётий ҳолат бошқа бир киши учун мутлақо аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Ким учундир бахт — бу бойлик, яна ким учундир бу дунёда амал отиға минишдан кўра лаззати иш йўқ. Бахтни мен ҳам ўзимча тасаввур қиламан. Кўпинча шундай бўлади: катта ёшлар, баъзи ота-оналар ёшларни, ўз фарзандларини эътибор билан тингламайдилар. Ҳатто муҳим бир янгиликни гапирсангиз ҳам, кўзингизга истехзо билан боқишади. Улғайиб бораётганингизни, фикрингиз тинкласаётганини сезишмайди. "Сени тушунсалар, шунинг ўзи бахт" деган гап жуда тўғри айтилган". Ҳаётнинг ўзига яраша мураккабликлари, ногаҳоний синовлари бор, ютуқлар, қувончли воқеа-ходисалар, турфа хил янгиликлар ҳаммиса бўлиб туради, аммо муаммолар ҳам борки, улар ҳеч бир кишини бутунлай четлаб ўтмайди. Баъзан ҳаёт тажрибаси етарли, кўпни кўрган кишилар ҳам бирор маслаҳат, йўл-йўриқ, таклиф ёки оддий тасаллига муҳтож бўлиб қоладилар. Бундай пайтда самимий мулоқот, тинглаш маданияти ва одоби асқотади. Бирор раҳбар ёки обрўли киши ҳузурига келганларнинг муаммоларини бирданига ҳал қилиши кийин, бироқ уларнинг кўнглини кўтариш, тушунлиқдан чиқиб йўлларини кўрсатиш, зарур маслаҳат бериш, янада муҳими — уларда яхши таассурот қолдиришнинг ўзи ҳам катта ёрдам, инсоний фазилат ҳисобланади. Газета тахририятиға келган мактублардан бирида ўқиганман: ёши саксонни қоралаб қолган бир отахон тиббиёт олий ўқув юртини битириб келган врачнинг қабулиға келибди. Ҳаво ўзгарса оёқлари қақшаб оғришини, тез-тез дармони қуришини айтган экан, ёш шифокор мийғиға қулиб: "Отахон, саксонга яқинлашиб қолибсиз, оёғингизда ҳақингиз қолмабди, бўғеи энди шунақа..." дебди. "Духтирхонаға шифо излаб борган эдим, аммо дилим оғриб, касалим баттар зўрайиб қайтдим. Бу йигит муомала китобини ўқимаган экан", деб ёзибди отахон. Туманлардан бирида ўзим гувоҳ бўлган воқеа. Хизмат сафарида эдим, идоралардан бирининг янги раҳбари олдиға кириб, ишим битиши у ёқда турсин, кайфиятим шу қадар бузилдики, бир-икки кун қўлимға қалам ололмай юрдим. Ёш бошлик ўзига ортиқча бино қўйганлардан экан, мени деярли эшитмади. Энди гап бошлаганимда, ё хизмат телефони ё кўл телефони жиринглаб қолади. Олдида одам борлигини унутиб, кўнгирак қилаётган киши билан бемалол гаплашадиган, ҳиринглаб қулади, сўхбатдошиға: "Э, болабсиз, қотирибсиз, вот именно, яшанг, шундай қилиш керак бунақаларни" дейди. Токат билан кутиб турдим. Мириқиб сўхбатлашган, гўшақни жойига илиб, авзойи бузилганча: "Биродар, ҳали ҳам шу ердამисиз" дегандай менга, худди биринчи марта

## Бизнинг шарҳ

# Ўрмон ёнғинлари



**Олимларнинг таъкидлашича, бугунги кунда сайёрамиз бўйлаб ҳаво ҳароратининг тобора кўтарилаётгани қурғоқчиликни кучайтириб, ўрмонларда ёнғинлар пайдо бўлиш хавфини оширмоқда. Тадқиқотларга қараганда, ўтган 20-25 йилда ўрмон ёнғинлари 6-8 фоизга кўпайган бўлиб, унинг 80 фоизи инсон фаолияти оқибатида содир бўлаётир.**

дир бўлади. Хусусан, жаҳон нефть импортининг ярмидан кўпроги АҚШ, Япония, Германия, Италия ва Франция ҳиссасига тўғри келади. Биргина АҚШ дунёдаги энг кўп ёнғинлар содир бўладиган мамлакатлар сирасига киради (ҳар йили 1,6-1,7 миллион атрофида). Энергияни юқори даражада истеъмол қиладиган мамлакатлар қаторига Буюк Британия, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Голландияни ҳам киритиш мумкин.

Одатда, ёз ва куз фаслларида ёнғинлар кўп содир бўлади. Чақмоқ чақиши, вулкон отилиши ва ер ости кўмир конларининг ёниши каби ҳолатлар ўрмонда ёнғин чиқишининг асосий сабабларидан. Ҳаводаги иссиқ оқимлар, қурғоқчилик, иқлим ўзгариши ҳам ёнғин келиб чиқишига олиб келади. Қурғоқчилик даврида ерга тўкилган шохлар, хазонлар қуриб, тез ёнувчан ҳолга келади. Оқибатда табиий ёки бошқа сабабларга кўра хосил бўлган кичик учкун ҳам оз фурсатда бутун ўрмонга ёйилиши мумкин. Статистик маълумотларга қараганда, яшил бойлигимиз — ўрмонзорлар умумий майдони тўрт миллиард гектар атрофида. Йилига 4,5 миллиард кубметрдан ортик дов-дарактлар асосиз равишда кесиб ташланаётгани ҳам ачинарли ҳол, албатта. Тропик ва субтропик зоналарда бу ҳолат янада кўпроқ содир бўлмоқда. Бу минтақага жаҳон миқёсида қирқилаётган дарактларнинг ярмидан кўпи тўғри келаётир.

Маълумотларга кўра, дунё бўйлаб 160 миллион гектар тропик ўрмон деградацияга учраган. Йилига ўзбошимчилик билан кесиб ташланаётган ўрмонзорнинг 11 миллион гектаридан бор-йўғи ўндан бир фоизгача қайта тикланмоқда, холос. Тропик ўрмон кислороднинг тўртдан бир қисми билан таъминлаётгани ҳам сир эмас. Бу ҳудудда ҳаёратларнинг 80 фоизи, шифобахш ўсимликларнинг уч-

дан икки қисми мавжуд. Бир сўз билан айтганда, 3-4 миллион турдаги тирик жонзотлар бу ерни макон қилган.

Жорий йилда АҚШ, Австралия ва Европанинг бир қанча мамлакатларида юз берган кучли ёнғинлар ўрмонларнинг анчагина қисми кулини кўкка совурди. Россия ҳудудларида рўй берган ёнғинлар фақатгина ҳаво ҳароратининг пасайиши туфайлигина назорат остига олинди. Аммо ҳудудлардаги экотизим бундай ёнғинлардан катта зарар кўриб, дов-даракт ва турфа ўсимликларнинг нобуд бўлиб, ўрнини бегона ўсимликлар эгаллагани кузатилади. Олимларнинг фикрича, ўрмонларда ёнган ноёб дарактлар ўрнини янги эгаллаши учун камда 40 йил керак бўларкан. АҚШ, Франция, Греция ва бошқа давлатлардаги ўрмон ёнғинлари бошқа ҳаво қурум аралаш ис газига "тўлган". Бошқача айтганда, ҳаводаги ис газини даражаси меъёридан бири неча баравар ортиб кетган. Бу эса кишилар саломатлигига салбий таъсир этмай қолмайди. Шунингдек, тўтун қалинлигидан кўриш даражасининг пастлиги самолётлар парвозига ҳам таъсир кўрсатган. Ўша

жойлардаги фермерларнинг йил бўйи етиштирган турли мева-чевалари, бугдойзорлар кунпая кун бўлган.

БМТнинг қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат дастури маълумотига кўра, тропик ўрмонларнинг 33 фоизи Бразилияда, 20 фоизи Конго ва Индонезияда жойлашган. Амазонка ўрмонлари 7 миллион квадрат километрга тенг бўлиб, 8 та давлатни қамраб олган. Курраи заминнинг бетакрор гўшаси - Амазония серсувлиги, сайёрамизнинг улкан пасттектислиги ва тропик ўрмони сифатида эътироф этилаётир. Кўхна қитъа - бутун Европада бор-йўғи 200 турдаги дарактлар борлиги рўйхатга олинган бўлса, Лотин Америкасида бу кўрсаткич тўрт мингга етади. Афсуски, ҳар йили Амазонияда кузатилаётган ёнғинларда минглаб гектар ўрмон аланга исканжасида қолмоқда.

Бошқа тарафдан қараганда, ўрмон ёнғинларининг меъёридаги даражаси ўрмон экотизимининг табиий бир қисми ҳисобланади. Ёнғиннинг маълум даражаси, аслида, ўрмонларнинг қайта янгилашиши учун зарур, бошқача айтганда, улар табиатдаги мувозанатни тиклашга ёрдам беради. Олимларнинг фикрича, ўрмонлардаги ёнғинларнинг маълум даражаси табиий бўлиб, бу яшил ўрмон ҳаёти учун фойдали. Ҳозирги кунда мазкур ҳудудда оловларни бутунлай ўчирмай, аксинча, уларни назорат остига олиш дастури асосида ишлар олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, айрим ўсимликларнинг ёнғинлардан омон қолиш хусусиятига эга. Масалан, баъзи дарактларда оловда куймайдиган махсус уруғлар бўлади. Ёки ёнғиндаги бошқа ўсимликлардан қутулиш учун айрим дарактлар олов чиқариш хусусиятига ҳам эга бўларкан. Улар бағрларида тез ёнувчан ёғ ишлаб чиқаради ва ўз атрофида аланга чиқиш хавфини оширади.

Маълумотларга кўра, бир гектар ўрмонзор йилига 18 миллион куб метр атмосфера хавосини тозалайди. Бир түп саксовул эса 5 тоннагача қум зарраларини ушлаб қолса, бир гектар дарактзор ўртача ҳавога кўтарилаётган чангнинг 72, олтингурут газининг 60 фоизини түтиб қолади. Бир сўз билан айтганда, табиатнинг бундай бекиёс инъоми неча-неча асрлардан буён инсониятга тоза ҳаво, мусаффо ҳаёт ярати бermoқда. Аммо бепарволик, табиатга нисбатан шафқатсиз муносабат мувозанатнинг бузилиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Бехбуд БОТИРОВ

**Олимларнинг фикрича, ўрмон ёнғинлари тезлиги, ёйилиши ва бошланишига кўра турлича бўлади. Айримларида олов ва чўғ парчалари шомол ёрдамида учиб, ҳатто йўл, дарёлардан ошиб, бошқа ҳудудларда янги оловларни келтириб чиқаради. Масалан, Жанубий Калифорниядаги ёнғин Санита Ала шомоли таъсирида бир кунда (соатица 60 км. масофагача тезликда) 4 км. майдонининг кулини кўкка совуриш кучига эга.**

**Бутунжаҳон ёнғин статистика маркази маълумотларига кўра, дунёда бир йилда 7-8 миллион мартаба ёнғин кузатилади. Унинг аксарияти аҳолиси кўп ва ривожланган давлатларда кузатилади. Хусусан, дунёнинг тараққий этган 20 та мамлакатининг ёнғин талофатлари ва унга қарши кураш учун сарфланаётган харажатлар миқдори йилига янги ички маҳсулотнинг тахминан 1 фоизини ташкил этади. Бу дунё иқтисодий ҳаётининг 3-4 кунини фақат ёнғинларни бартараф этишга сарфлаётганини англатади.**

Антарктикадан ташқари барча қитъалардаги ўрмонлар Ер шаридаги қуруқликнинг қарийб 32 фоизини эгаллайди. Яшил салтанат бекиёс табиий бойликларга эга - ёввойи ва доривор ўсимлик ва меваларни айнан шу ерлардан топиш мумкин. Ўрмон ресурсларининг қимматли маҳсулоти - саноат ва қурилишнинг кўпгина тармоқларида ишлатиладиган, дарактларни кесиб тайёрланадиган ёғочдир. Шунга қарамай, аҳолининг эҳтиёсийлик билан ўрмонларда гулхан ёқиши, чекиши, энг ачинарлиси, ёшларнинг турли ёнғин келтириб чиқарувчи воситалардан фойдаланиши жойларда тилсиз ёвларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Иккинчи жиҳат шундаки, шаҳарларнинг кенгайиши натижасида турар-жойлар қурилишининг ўрмон ҳудудларига етиб келиши ҳам ёнғинларда иқтисодий зарар ҳажмининг янада кўпайишига олиб келаётир.

Ҳозир ўрмон ёнғинлари АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Австралия, Германия ҳудудларида тез-тез учраб туради. Мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, мамлакат қанча кўп энергия ва ёқилғи истеъмол қилса, ёнғинлар ҳодисаси шунчалик кўп со-

## Рангин дунё

**Сайёрамиз мўъжизаларга лиммо-лим. Айниқса, меъморий ечими турлича бўлган ёҳуд ноанъанавий усулда яратилган архитектура ёдорликлари ҳеч қандай бефарқ қолдирмас керак. Бугунги кунда осмонлар иморатлар, металлдан қурилган улкан иншоотларни дунёнинг исталган чеккасида учратиш мумкин. Ўтган асрда бунёд этилиб, ҳозиргача баянлик бўйича нуфуз ва мавқеини сақлаб келаётган осмонлар биноларининг энг машҳури Нью-Йоркда жойлашган "Эмпайр стейт билдинг" ёҳуд Империя давлат биносидир.**

Мазкур бино "Билдорф-Астория" меҳмонхонаси ўрнида барпо этилган бўлиб, қурилиш ишлари салкам 14 ой давом этган. 1931 йилнинг майида фойдаланишга топширилган иншоот Шрив, Ламб&Хармон Ассошиэтед архитектура ташкилоти лойиҳаси асосида бунёд этилди. Иншоот мана неча йиллардан буён Кўшма Штатлардаги энг баянлик бинолардан бири ҳисобланади. Унинг баландлиги 373 метр. Агар антеннаси билан қўшиб ҳисобланса, баландлиги 443 метрни ташкил қилади. Қурилиш ишларида Индиана оҳақтоши, гранит, алюмин, хром ва тарашланган пўлат каби материаллардан фойдаланилган. Заллари эса Франция, Италия, Бельгия ва Германиядан келтирилган олий сифатли мрамар плиталар билан безатилди.

Қурилиш чоғида янги технологиялар, жумладан, чўян ва пўлатдан ишланган қобирғаси мон металл конструкция (каркас), йўловчилар ташиш учун

мўлжалланган Отис лифтлари анча қўл келди. Осмонлар бино пойдевор, ер остидан бошланувчи устун ва тўсинлардан иборат пўлат каркас, шунингдек, тўсинларга маҳкамланган деворлардан таркиб топган. Шу боис, бино оғирлиги асосан пўлат каркас ва пойдеворга тушади. Айнан мана шу ечим туфайли иншоот ортикча юкдан ҳалос бўлди ва унинг оғирлиги 365 минг тоннани ташкил қилди. Қурилиш ишларига 5662 кубометр оҳақтош ва гранит, 60 минг тонна пўлат конструкция, 10 миллион дона ғишт ва 700 километр кабел сарфланди. Арт деко услубида қурилган бино ойналарининг сони эса 6500 та.

1986 йили "Эмпайр стейт билдинг" АҚШнинг миллий тарихий ёдгорликлари рўйхатидан жой олди. 2007 йилда эса Америка архитекторлар инсти-тути томонидан энг яхши меъморий ечимга эга бино сифатида эътироф этилди. У баландлиги бўйича АҚШдаги Озодлик

# Шаҳар рамзига айланган бино



қайкали, Уиллис-Тауэр, Трамп минорасидан кейинги ўринда туради. Айни пайтда бинода катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари кетмоқда. Реконструкциядан сўнг, иншоот камхарж энергия сарфловчи экологик тизимга эга бўлади. Иншоот холл қисмининг баландлиги 3 қаватли бинога тенг

бўлиб, деворлари дунёнинг етти мўъжизаси акс этган паннолар билан безатилган. Унда "Эмпайр стейт билдинг" биноси дунёнинг саккизинчи мўъжизаси сифатида тасвирланган. Бинода жуда кўп олов ва идора-лар жойлашганига қарамай, залларининг ҳаммасида ҳам ишбилармонлик муҳити ҳукм

сурмайди. Масалан, улардан бири "Гиннес рекордлари зали" деб номланади. Мазкур залда гайриоддий рекордлар коллекцияси тўпланган. Бинодаги лифтлар сизни ишталган қаватга бир дақиқа ичида элтиб қўяди. Иншоотда ушбу техника мўъжизасининг сони нақд 73 та. Улар бир соат даво-

## Харакатни кучайтириш лозим

**Либерия ҳукумати жаҳон ҳамжамиятини Эбола вирусига қарши курашда фаолроқ ҳаракат қилишга ундаган.**

Мамлакат раҳбари чегара билмас ҳамда Фарбий Африкада кўплай йўқотишларга сабаб бўлаётган Эбола вирусига жаҳон бўйлаб буй кўрсатишга улгурганини таъкидлаган. "Вирусга қарши кураш кўмакка қодир ҳар бир давлатдан — бунинг тез ёрдам жамғармалари, тиббий таъминот ёки клиник тадқиқотларга дахли бор-йўқлигидан қатъий назар — ўз зиммасига ёрдам мажбуриятини олишни талаб қилмоқда", дейди Либерия президенти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган сўнгги маълумотларга кўра, Эбола вирусидан ҳалок бўлганлар сони 4500 дан ошиб кетган. Курбонларнинг аксариятини Либерия, Гвинея ва Сьерра-леонеликлар ҳисобланади. Эбола вирусига чалинишга оид айрим ҳолатлар Европа ҳамда АҚШда ҳам кузатилади.



## Амфибиялар камаймоқда

**Европалик олимларнинг фикрича, 2050 йилгача Европадаги амфибияларнинг қарийб етмиш фоизи йўқ бўлиб кетиш хавфи мавжуд.**

Экспертлар бундай ноҳуш ҳолатнинг асосий сабаби иқлим ўзгаришида эканини билдиришган. Хабарларга кўра, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшай оладиган бундай жониворларда замбуруғ касаллиги аниқланган. Мазкур касаллик туфайли Коста-Рика ҳудудларида учрайдиган бир неча турдаги бақа бутунлай қирилиб кетган.



## Бағдод бозорида портлаш

**Ироқ пойтахти Бағдодда кучли портлаш содир бўлган.**

Оқибатда қарийб 30 нафар одам турли даражада тан жароҳати олган, ҳалок бўлганлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Портлаш мамлакат жанубидаги Эд-Дора туманида жойлашган бозорда рўй берган. Бундай ноҳуш ҳолат Эл-Мадаин ҳудудида ҳам кузатилади. БМТ маълумотларига кўра, шу йилнинг сентябрь ойида Бағдодда содир бўлган турли портлашлар оқибатида 350 нафардан ортик аҳоли ҳалок бўлган, қарийб минг нафар одам тан жароҳати олган.



## "Уйда ким бор?"

**Испанияда грузинлардан иборат жиний гуруҳ қўлга олинган.**

Испанияда асосан Грузия фуқароларидан иборат жиний гуруҳ қўлга олинди. Хабарларга кўра, мамлакат полицияси ва бошқа тегишли муассасалар ҳамкорлигида уюштирилган операцияда жами 28 нафар жиноятчи қўлга олинди. Хабарларга кўра, ушбу гуруҳ Испаниянинг Мадрид, Каталония ва Кастилие-Ла-Манч шаҳарларида 50 га яқин жиноят содир этган. Улар қаровсиз қолган уйларга сигнализация ўрнатилган ва агар у ишламаса, яъни уйда ҳеч қандай йўқлиги аниқланса, ўша ерни ўмариб кетишган.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## Эълон "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖНИНГ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТИ

2014 йил 26 ноябр кунини соат 12:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига Камолот Марказий Кенгаши балансида бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари чиқарилади: 2004 й/ч/ч Ласетти русумли д/р 01/9602CA бошлангич баҳоси — 21 750 000 сўм, 1997 й/ч/ч Тихо русумли д/р 01/967LBA бошлангич баҳоси — 2 700 000 сўм, 1993 й/ч/ч ГАЗ-31029 русумли д/р 01/966LCA бошлангич баҳоси — 3 200 000 сўм, 2004 й/ч/ч Матиз русумли д/р 01/958ZBA бошлангич баҳоси — 11 300 000 сўм. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Мазкур автомашиналар сотилмай қолган тақдирда тақрорий аукцион савдолари 2014 йил 03, 10, 17 декабрь кунлари соат 12:00 да ўтказилади. Аукцион қолиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нарҳининг 5% миқдоридан комиссия йўғини тўланади. Талабдорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 12:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар "Гаров пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошлангич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг ХОАТБ "ИнфинБАНК" бандаги МФО: 01041, ИИН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний (юридик) шахсни тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлари ва гаров пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс катнашганда — ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишоннома. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (8595) 177-96-74.

Гувоҳнома № 005148

мида 10 минг нафардан зиёд кишига хизмат кўрсатади. Қолаверса, лифтлар ёрдамида жонининг 86 ва 102-қаватида жойлашган кузатув майдончасига чиқиш мумкин. Айнан шу майбоннинг доимо гавжум бўлади. Уларнинг гапига қараганда, бу ердан Нью-Йорк кўчаларини томоша қилишниннг гашти бўлакча экан.

"Эмпайр стейт билдинг" бугунги кунда энг узоқ "ўмр кўрган" баланд бинолар сирасига ки-

ради. Иншоот ҳар йили 3,5 миллиондан зиёд сайёҳни бағрига чорлайди, юзлаб офис ходимларига хизмат кўрсатади. Бинонинг ташқи қисмида дярли ўзгармас-да, ички безаклари вақт ва замон талаблари даражасида янгилашиб турилади. Замон билан ҳамнафас бўлгани учунми, бино ҳали ҳам эскириш нималигини билмайди. Шундай экан, XX аср иншоотининг "қариши" — архитектура ёдгорлигига айланмишга ҳали анча бор.

Зафар МУҲАММАД

## Боқий мерос

## Эски Ховос шахри

тепалигидан Хумо куши тасвири топилди

Хумо куши шарқ халқлари, хусусан, халқимиз оғзаки ижоди намуналари — қўшиқлар, достонлар, ривоятлар, инчунин, ёзма адабиётимизда бахт, омад, орзу истаклар рўёби каби ёруғ мақсад ва ниятлар тимсоли сифатида кенг қўлланилган.

Афсонавий Хумо куши давлатимиз Гербининг марказида кенг қанот ёзган ҳолда тасвирланган бўлиб, бу ҳиммат, олижаноблик ва фидойийликни англатади. Шунингдек, бу куш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг тимсолида акс этган ва унинг замирида ҳам ана шундай эзгу маъно ва мазмун мужассам, десак янглишмаган бўлади.

Яқинда Сирдарё вилояти ҳудудидаги Эски Ховос шахри тепалигидан XII асрга тааллуқли чироқ дастасида акс этган Хумо куши тасвири топилди. Мухбиримиз ўша жойга бориб, унинг тафсилотлари билан яқиндан танишиб қайтди.



чиси тўғри Сирдарё кечуви-дан сўнг шимолга, йирик Бенакет (Шоҳрухия) шахрига ва ундан ўтиб, иккинчи йирик шаҳар Харахент ва Чоч пойтахти Бинкетга борган. Хусусан, Ибн Хордадбех ўзининг машҳур «Йўллар ва мамлакатлар» асаридан (IX аср) Ховос тўғрисида юқоридаги каби қимматли маълумотларни беради. Шунингдек, қадимги Ховос шахри ҳақидаги маълумотлар Кудам (X асрнинг биринчи ярми), Ибн Руста (X асрнинг биринчи ярми), Ал-Истархий (X аср), Ибн Хавқал (X аср), Ёқут (XIII аср), Ас-Сомоний (XII аср), Абул-Фид (XIV аср) каби тарихчи ва географ олимларнинг асарларида қайд этилган. Шунингдек, Амир Темур ҳаётлигида ёзилган Низомиддин Шомийнинг машҳур «Зафарнома» асаридан ҳам Ховос ҳақида маълумотлар мавжуд.

XV асрнинг иккинчи ярмида машҳур шоир Абдураҳмон Жомий ва сўфий Хўжа Аҳрор Вали ҳазратлари Ховосда бўлганлар. Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам бу ерда бўлиб, ўзининг «Бобурнома» асаридан бу ҳақда қайд этган. Ховос ҳақидаги маълумотлар Аҳмад Донининг «Бухородан Петербургга саёҳат» китобида ҳам тилга олинган.

Эски Ховос тепалигини Туркистон ҳаваскор археологлар тўғраги аъзолари илк бор тадқиқ қилганлар. Кейинчалик йирик тадқиқотчи, профессор М.Массон Мирзачўл марказидаги катта тепаликни Ховоснинг ўрта асрлардаги харобалари, деб талқин қилди. Аммо ўша пайтларда тепа устида аҳоли яшаганига боис ёдгорликда археологик изланишлар олиб боришининг имкони бўлмаган.

## Баркамол авлод

## Оилавий спорт мусобақалари

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси **Ғаллаорол туман кенгаши томонидан халқ таълими ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг маданий дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишлари учун шароит яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда.**

"Соғлом бола йили"га бағишлаб "Соғлом оила" шiori остида халқ маорифи ходимлари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида оилавий спартакиада ўтказилди. Жумладан, югуриш, акробатика элементлари, тўпни нишонга отиш каби дастлабки шартлардан сўнг "Чақонлик ва мерганлик" эстафетаси, "Моҳир ҳужумчи", "Овчилар ва қуёнлар" ўйинлари ҳамда кўпкуч-

1984 йилдан бошлаб Эски Ховос тепалиги Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти Чоч-Уструшона экспедициясининг Сирдарё отряди томонидан ўрганила бошланган.

1988-1989 йилларга келиб, Чоч-Уструшона экспедициясининг илк бор Ховос кўрғонидан қазилма ишлари чоғида олинган археологик манбалар ушбу манзилгоҳнинг камида икки минг йиллик тарихга эгалиги ва Ховос Сирдарё вилоятидаги энг қадимги шаҳар харобаси қолдиги экани исботланди.

Мустиқиллик шарофати билан Ховос шахри харобаларини тадқиқ қилиш янги босқичга кўтарилиб, янги мазмун ва аҳамият касб эта бошлади. Хусусан, 2003 йилда Сирдарё вилоятида танили тарихчи-ўлкашунос, М.Содиқовнинг саъй-ҳаракатлари билан бир гуруҳ археологлар томонидан олиб борилган қазилма ишлари жараёнида салмоқли натижаларга эришилди. Бу ердан илк юнонлар даври мудофаа деворлари қолдиқлари топилди. Эътиборли томони шундаки, деворлар янада қадимийроқ қатламлар устига қурилган эди. Шунингдек, эраמידан олдинги IV-III асрларга оид девор қолдиқлари ва сопол идишлар қазиб олинди.

Бу ердаги 14 метр қалинликдаги маданий қатламлар ёдгорликда қадим даврлардан бошлаб ХХ асрга қадар ҳаёт узлуксиз давом этганлигини кўрсатади. Аслида эски Ховос шахри харобаси бутун Уструшона учун эталон ёдгорлик ҳисобланади. Ваҳолаки, олимларнинг тадқиқлашича, Истравшандаги Мугтепа (Уратепа) ва бошқа шаҳар ёдгорликлари қатламларида сезиларли узилдишлар кузатилади, - дейди мутахассис А.Грицина.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, кейинги йилларда Эски Ховос шахри харобаларидан топилган ноёб археологик манбалар илмий жиҳатдан тадқиқ қилинди. Натижада А.Грицина ва М.Содиқовнинг ҳаммуаллифлигида «Эски Ховос ва унга қўшни ҳудудлар қадим ва ўрта асрларда» номли китоби нашр этилди. Ушбу асар нафақат қадимги Ховос, балки бутун Сирдарё вилояти тарихини ўрганишда асосий илмий манба саналади.

Кувонарли томони шундаки, кўп йиллик танафусдан сўнг жорий йилда археологик қазилма ишлари яна қайта тикланди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти Сирдарё вилояти ўлкашунослик музейи мутахассислари ва маҳаллий ўлкашунослар билан ҳамкорликда олиб борилаётган қазилма ишлари жараёнида

экспедиция аъзолари гарчи энг куйи ва қадимий қатламга етиб бормаган бўлсалар-да, ҳозирги кунда эришилган натижалар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Аини пайтда олиб борилаётган изланиш ва янги топилмалар аввалги тадқиқот натижаларини тасдиқлаб, Ховос Уструшонадаги қадимий масканлардан бири бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш имконини берди, - дейди Сирдарё вилояти Маданий ёдгорликларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқот маркази аъзоси Х.Содиқов.

Ҳақиқатдан ҳам, Ховоснинг бой топилмалари — илк эллинистик даврга оид истеҳком қолдиқлари, ўзига хос чизги ва тасвирларга эга бўлган кулолчилик буюмлари, Х-XX асрларга оид тангалар, айниқса, жорий қазилма ишлари давомида топилган XII асрга оид Хумо куши тасвири туширилган чироқ дастаси ҳамда эраמידан аввалги III-II асрга оид маъбудани Анахитанинг топилди дикқатга сазовордир.

Чироқ дастасида тасвирланган Хумо куши (товус) босма услубда ишланган. Мусаввир худди Боги эрамада турган қолдиқ акс эттирган. Ўрта асрларда ишланган идишда тасвирланган ушбу куш фаровонлик, бахт ва омад маъносини англатади. Яна бир ноёб топилма — маъбудани Анахитанинг сополга ўйиб ишланган тасвири республикамиз ҳудуди доирасида илк марта топилган бўлиб, муҳим илмий аҳамиятга эгадир. Анахита маъбудаси — ҳосилдорлик ва қайта уйғонаётган табиат рамзидир, - дейди сўхбатдошимиз.

Яна бир экспедиция аъзоси, Сирдарё вилояти Ўлкашунослик музейининг катта илмий ходими А.Йўлдошевнинг таъкидлашича, уч ойдан бери давом этаётган археологик қазилма ишлари мобайнида топилган барча ноёб ашёлар ва топилмалар Гулистон шахри марказида фаолият кўрсатаётган Ўлкашунослик музейининг экспонатлари қаторидан жой олади ва янги илмий изланишлар учун манба бўлиб хизмат қилади.

Ушшоа қилиб айтганда, милoddan олдинги IV асрдан то XX асрга қадар Ховос қадим Фарғона, Чоч ва Сўғдда савдо ва ҳарбий ҳаракатлар йўналишлари чоррахасидаги қулай ва муҳим манзил вазифасини бажарган. Камида 2500 йиллик тарихга эга бўлган қадимий Ховос асрлар давомида ажодларимизга файзли кўналга сифатида хизмат қилиб келаяпти.

Дилфуза РЎЗИЕВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Юракни емирувчи хасталик

Ревматизм — бириктирувчи тўқиманинг шикастланиши, яллиғланиши билан боғлиқ касаллик бўлиб, ўткир инфекцион хасталикларга мойил инсонлар, кўп ҳолларда болалар ва ўсмирларда оғриқли кечади.

Сурункали тонзиллит ҳамда бодомча безлари яллиғланиши (ангина) ўз вақтида даволанмай оёқда ўтказилганидан сўнг 10-14 кун ичида ревматизм бошланиши мумкин. Ушбу хасталик тудфайли юрак соҳасида мавжуд нуқсонлар ривожланиши, хорая, полиартрит ва бошқа кўплаб асоратларни келтириб чиқаради. Ревматизмнинг клиник белгилари: бемор тана ҳарорати 38-39 даражагача кўтарилади, умумий ҳолсизлик, чарчаш, рангпарлик аломатлари кўзга ташланади. Беморнинг юраги тез уради, оддий ҳаракатланиш чоғида ҳам тез-тез хансирайдиган, кўп терлайдиган бўлиб қолади. Ревматизм асаб тизимини ҳам шикастлайди. Бундай пайтда бола сержахл, кайфияти йўқ, боҳаловат ва эътиборсиз кўринади. Унинг дастхати хунуқлашиб, хотираси пасаяди. Кўзлари пирпираб, юз мушаклари тортишади. Натижада, бола ўзини ўзи эплай олмайд. Кийиниб-ечиниши, ҳатто, овқатланиб олиш учун ҳам бировнинг кўмагига эҳтиёж сезади. Касаллик қанча тез ва эрта даволанса, шунча яхши. Даво учун босқичдан иборат бўлиши лозим. Стационар даво биринчи ва асосий босқич бўлиб, муолажа имкон борича кардиоревматология бўлимида ўтказилиши керак. Иккинчи босқичда бемор даволанганини сиҳаттох шароитида давом эттиради. Учинчи босқич — диспансер кузатуви (поликлиникада) даврида бола маҳаллий педиатр ва кардиоревматолог назоратида олинади. Шунини унутмангки, ревматизмни ўз вақтида даволамаслик юрак нуқсонини (пороги)га сабаб бўлиши ҳам мумкин.

## БИЛАСИЗМИ?

Маълумки, сайёрамизда бир кеча-ю кундуз 24 соатга тенг. Меркурийда эса бир сутка 59 кунга, Марсда 24,6, Юпитерда 9,9, Сатурнда 10,3, Уранда 10,7, Нептунда 15,8 соатга тенгдир.

Кўп йиллик кузатишларнинг кўрсатишича, эркак киши умри давомида ўртача 22 тонна овқат ва 33 минг литр суюқлик, аёллар эса 25 тонна овқат ва 32 минг литр суюқлик истеъмол қиларкан.

## ТУРФА ОЛАМ

## Уйқусизликдан халос этади

"Sleep Shepherd" деб номланувчи махсус қалпоқча уйқусизликдан қийнаётган инсонлар учун аини муддао.

Манбада келтирилишича, тинчлантирувчи ўсимлик препаратларидан анча самарали ҳисобланмиш қалпоқча шу йилнинг январь ойида бўлиб ўтган CES-2014 маросимида илк бор омма эътиборига ҳавола қилинган. Унинг муаллифи Массачусетс технология университетини (АКШ) профессори Майкл Ларсон бўлади. — Қалпоқ ичига ўрнатилган муслама импульс сериясини инсон миёсига жўнатади. Импульслар мия тўқилларини пасайтиради ва натижада уйқусизликдан қийнаётган одам тезда ухлаб қолади, - дейди муаллиф. — Овозли импульслар "олива" деб номланувчи мия бўлимига етиб боради. Айна шу бўлим овоз манбаси учун жавоб беради. Импульсларнинг кетма-кетлиги эса уйқу эффектини ҳосил қилади. Бундай пайтда мия фаоллиги пасаяди ва инсон уйқуга кетади. Sleep Shepherd қалпоқчалари келаси йилнинг март ойидан бошлаб катта ҳажмда ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

## Антиқа тадқиқот

Бангладешлик олимлар инсон ҳиссиётларини клавиатура ёрдамида терилган матн орқали аниқлаш хусусиятига эга компьютер дастурини ихтиро қилишди.

25 киши ушбу дастурни синнаш жараёнида бевосита иштирок этган. Тадқиқотнинг биринчи босқичида улар ана шу клавиатурада "Алиса мўъжизалар мамлакатига" эртагидан икки жумла терганлар. Уларга қўйилган талаб: матнни икки кечинма ва ҳисҳажонга берилган ҳолда терилдан иборат эди. Тажрибанинг иккинчи босқичида тадқиқот иштирокчиларига оддий клавиатурада матнни тез ва пала-партиш териш буюрилган. Шундан сўнг, олимлар икки босқичда ўтказилган тадқиқот натижаларини муқоаса қилишган. Сизгир клавиатура матн терган инсонларда кечган 19 хил ҳис-ҳажон аломатларини аниқлаб берган. Қизиги шундаки, компьютер дастури аниқлаган инсоний кечинмалар ичида "бахтиёрлик" (87%) ва "серзардалик" (81%) аломатлари устунлик қилган. Ғоё муаллифларининг фикрича, сизгир клавиатура иш берувчи, шунингдек, одамлар руҳияти билан шугулланувчи мутахассислар учун асқотиши мумкин.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси қуйидаги материалларни тайёрлаш учун тендер эълон қилади:

- баннер 6х3;
- баннер (тиргакли штендери билан);
- плакатлар;
- партия нишонлари;
- календарлар ва чўнтак календарлар;
- папкалар (ийғма жилдлар).

Мурожаат учун телефонлар: 239-45-77, 244-14-98, факс: 239-45-53  
E-mail: uzmtdp@mail.ru

Газетанинг навбатдаги соғи 31 октябрь, жума кунини чиқади.